

# СОЛИК *ва* ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, хафгода бир марта чоп этилади

№ 8 (1332) • 2020 йил 25 февраль

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Саволларга  
Дилшод Султонов  
жавоб беради

3-4-бетлар

Реализация қилиш  
жойи қандай  
аниқланади

5-10-бетлар

Жисмоний шахслар  
даромадидан  
олинадиган соликлар

11-12-бетлар

Лектор – Лондонда,  
эшитувчи – ўзимизда

13-бет

Корхона совғаларни  
ҚҚС билан харид  
қилди

14-бет

Бохонадан қанча  
дори олиб ўтиш  
мумкин?

15-бет

2020 ЙИЛДА СОЛИК  
ИМТИЁЗЛАРИНИ  
САҚЛАВ ҚОЛИШ  
«Эски» кодексдаги  
меъёларнинг қай  
бири «янги»сида  
сақлаб қолинди

16-бет

✓ ЯНГИ КОДЕКС БҮЙИЧА ИШЛАЙМИЗ

## ХИСОБВАРАҚЛАР БҮЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТҮХТАТИБ ТУРИШ САБАЛЛАРИ

Солик түловчига таъсир ўтказиш  
усулларидан бири хисобвараклар бүйи-  
чча операцияларни түхтатиб туриш  
хисобланади. Янги Солик кодекси жо-  
рий этилиши муносабати билан хи-  
собвараклар бүйиича операцияларни  
түхтатиб туришга оид сабаблар кўни-


лади. Бундай сабаб ДСХОда аввал ҳам  
мавжуд бўлган, бирок факат суднинг ка-  
рорига биноан кўлланилган;

- солик тўловчи томонидан куйида-  
ги ҳолатларда солик инспекциясининг  
талабига кўра хужжатлар тақдим этил-  
маганда:

- ✓ камерал ва солик текширувларида  
(янги таҳрирдаги СК 146-моддаси);

- ✓ текширилаётган шахсларга алоқа-  
дор бўлган учинчи шахслардан хужжат-  
лар сўралганда (СК 147-моддаси);

- ✓ трансферт нархни шакллантириши-  
да солик назорати доирасида (янги таҳ-  
рирдаги СК 195-моддаси);



тирокчиларининг хисобвараклари бүйи-  
чча операциялар түхтатиб турилиши  
мумкин.

### Эътибор беринг!

Камерал текширув доирасида ҳуҗ-  
жатлар талаб қилиб олинши – бу  
солик органларига берилган янги ҳу-  
җук. Илгари камерал текширув да-  
вомида инспектор ҳуҗжатларни  
сўраб олишига ҳақли бўлмаган. Со-  
лик тўловчи уларни ўз ташаббуси  
билан тақдим этган.

• консолидациялашган гурухнинг  
масъуль иштироқчиси томонидан со-  
лик ҳисоботи белгиланган муддатдан  
10 кундан ортик кечикиб тақдим этил-  
гандан.

Бунда нафақат унинг, балки консо-  
lidациялашган гурухнинг барча иш-

### Тавсия:

Янги Солик кодекси қабул қилинши  
билан назорат тартиб-таомиллари  
бироз қатъйлашибирорди. Шу боис  
солик органларининг қонуни талабла-  
рини аниқ бажарии, ҳисоботларни ўз  
вақтида топшириш ва барча сўровлар-  
га жавоб қайтарши лозим. Ҳисобва-  
раклар бўйича операциялар түхтатиб  
кўйилганидан кейин корхонанинг ман-  
садбор шахсларига нисбатан матъму-  
рий санкциялар кўлла-  
ниши мумкинligини  
эътиборга олинг.

2-бетда

### ✓ БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

## НАРХ СИЁСАТИ ЁРДАМИДА ҚЎШИМЧА СОЛИК ХИСОБЛАШДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИН

Корхонада товарлар ва хизматларга нархларни иқтисодиёт ва маркетинг бўлимлари, баъзан эса раҳбариятнинг ўзи белгилайди, чунки кўпинча сотувлар муваффакияти нархларга боғлик бўлади. Янги таҳрирдаги СК қабул қилиниши билан нарх белгилаш масалаларига бухгалте-  
рия ходимларини ҳам фаол жалб этишга тўғри келади.

Бош бухгалтерга нарх сиёсати нима учун зарурлиги, у нима учун солик хисоб сиёсатининг бир кисми бўлиши кераклиги ва уни қандай қилиб тўғри тузиши ҳақида солик маслаҳатчиси Ирина ПОДОЛЬСКАЯ сўзлаб берди.

– КҚС ва фойда солиги тўлайдиган компания-  
нинг айланмадан олинадиган ва қатъий белгилан-  
ган соликлар тўловчилар билан ҳамкорлиги солик  
органлари томонидан нархларни кучайтирилган  
тарзда назорат килиш хавфини оширади.

Солик органлари буни нархлар билан манипу-  
ляция килган холда солик базасини камайтириш  
ва шу орқали бюджетга зарар етказиши мумкинли-  
ги билан изоҳлашади. Масалан, реализация кили-  
наётган товарлар нархини пасайтириб, айланма-  
дан олинадиган солик, кўшилган киймат солиги  
ёки фойда солиги бўйича солик базасини камай-  
тириш мумкин. Харид нархларини ошириб, фой-

да солиги бўйича солик базасини камайтириш  
мумкин. Бунда фойдани айланмадан олинадиган  
солик ёки қатъий белгиланган солик тўлайдиган  
шахсга «ўтказиш» мумкин бўлади.

Шу тарика, турли солик солиши тизимидан фой-  
даланадиган субъектлар ўргасида тузиладиган битимлар соликларнинг эътиборини жалб килади.  
Солик солиши максадларида нарх белгиланишини  
назорат қилиш ҳукукини Солик кодекси, айнан,  
унинг қўйидаги учта коидаси тақдим этади:

1) агар солик тўловчи ягона ёки устувор ма-  
ксади солик тўламаслик тарзидаги асоссиз солик  
нафи олишдан ёхуд ўзи тўлайдиган соликлар-

нинг суммасини камайтиришдан иборат бўлган  
операцияларни ёки операциялар кетма-кетлиги  
ни амалга оширса, унинг бундай ҳаракатлари ху-  
кукни сунистеммол қилиш деб эътироф этилади  
(СК 14-м. 5-к.);

2) агар битимнинг нархи товарларнинг (хизмат-  
ларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўл-  
са, солик органлари солик базасига тузатиш ки-  
ритишига ҳақли (СК 248-м. 4-к.);

3) битимнинг тарафларидан бири томонидан  
трансферт нархни белгилаш натижасида олинма-  
ган ҳар қандай даромадлар солик солиши максади-  
да битимнинг шу тарафида хисобга олинади (СК  
176-м. 3-к.). Ушбу норма, СКнинг бутун VI «Транс-  
ферт нархни белгилашда солик назорати» бўлими  
катори 2022 йил 1 январдан кучга киради.

### Нима қўлмоқ керак?

Ўзингизнинг нархни белгилашга  
оид коида ва тамойилларнингини

2-бетда

## ХИСОБВАРАҚЛАР БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ САБАЛЛАРИ

← 1-бетда Соликлар тўланишини таъминлашдаги ўзгаришилар

Авал	Амалда
Мол-мulkни хатлаш, гаровга қўйини, кафиллик ва банк кафолати	Мол-мulkни хатлаш суд карори асосида амалга оширилади.
2007 йилти таҳрирдаги Солик кодексида соликлар тўланишини таъминлашнинг бундай чоралари назарда тутилмаган. Солик органлари томонидан факат солик карзини узини тўғрисидаги талабнома юборилган (2007 йилти таҳрирдаги СК 59-моддаси). Кафздорлик ихтиёрий асосида узилмаган тақдирда, мажбурий ундириш чоралари кўлланылган (2007 йилти таҳрирдаги СК 62-моддаси).	Корхона томонидан солик карзи тан олинган тақдирда, суд карори шарт бўйлайди. Солик карзини узин учун зарур ва етарли бўлган мол-мulk хатлагб кўйилиши лозим. Хатлагб кўйилган мол-мulk корхона худудида ёки солик органи томонидан белгиланган жойда бўлиши мумкин (янги таҳрирдаги СК 114-моддаси): Хатлаш мол-мulk гарови, кафиллик ёки банк кафолати билан алмаштирилиши мумкин (янги таҳрирдаги СК 106-м. 2-к.). <b>Мол-мulk гарови</b> солик органи ва корхона ўргасидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Корхона ўз мажбуриятларни бажармаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мulk хисобига солик ва пеня тўланинади (янги таҳрирдаги СК 107-моддаси). <b>Кафиллик</b> солик органи ва кафил ўргасидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Солик ва пенялар тўламаганда, кафолат томонидан узар тўлил жамъда тўланиши шарт (янги таҳрирдаги СК 108-моддаси). Корхона солик карзи ва пеняларни белгиланган муддатда тўламаса, кафолат бўлгандан банк корхонанин соликни тўлаш бўйича мажбуриятини тўлил жамъда бажариш мажбуриятини ўз зинмасига олади. Солик органи корхонага мол-мulkни хатлашни банк кафолатига алмаштириши рад этишига ҳакли эмас (янги таҳрирдаги СК 106, 109-моддаси).
Пеня	Пеня
Илгари муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун, тўлов кунин хам шунга киради, бокимонда суммасининг 0,045% микдорида пеня хисобланган. Бокимонда солик текшируви натижасида аннланган тақдирда, пеня 0,06%ни ташкил этган (2007 йилти таҳрирдаги СК 120-моддаси)	Энди хар бир кечичитирлган кун учун соликнинг тўламаган суммасидан келиб чиқсан холда МБнинг кайта молиялаштириш ставкасининг 1/300 кисмига тенг микдорда фоиз хисобланади (янги таҳрирдаги СК 110-м. 11-к.).
Хисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб туриши	Солик органи томонидан хисобваракни суднинг карорисиз тўхтатиб туриши имкониятлари кенгайтирилди (янги таҳрирдаги СК 111-моддаси). Хисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб туриши учун янги асослар киритилди: 1) кўйидаги холатларда талаб этилган ҳужжатларни тақдим этимаслик: • солик хисоботи ёки камерал назорати доирасидаги талабларга тушунтиришлар ва тузатишлар тақдим этилмаганди; • корхона кайд этилган манзила бўлмаганди; • товарлар кирим ҳужжатлари расмийлаштирилмасдан реализация килинганда. Солик инспекцияси корхонани хисобвараклар бўйича операциялар тўхтатиб туришини хақида хабардор килишга мажбур эмас эди. Корхона хисобвараклар бўйича операциялар ноконуни тарзда тўхтатиб туришини кўрилган зарарни солик кандай сабабларни мажбур илни мумкин бўлган

Альберт САФИН, «Norma» МЧЖ эксперти.

### УШБУ СОНДА:

#### • ЯНГИ КОДЕКС БЎЙИЧА ИШЛАЙМИЗ

- Хисобвараклар бўйича операцияларни тўхтатиб туриши сабаблари

#### 1-2-бетлар

#### • БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

- Нарх сиёсати ёрдамида кўшимиш солик хисоблашада кандай химояланниш мумкин

- ККС кандай хисобга олинади

- Солик солинадиган ва солик солинмайдиган реализация килиш айланмалари мав-

жу бўлгандага узок муддатли активлар бўйича ККС кандай хисобга олинади

- ККС тўлаш массадида реализация килиши жойи кандай аниқланади

- Кўп квартирали уй эгаллаган ер участкаси: юридик шахслардан олинадиган ер солиги солинадими ёки йўкми

#### 1-2, 5-10-бетлар

#### • СОЛИК КОДЕКСИНИН ЎРГАНАМИЗ

- Солик соҳасига оид саволлар

#### 3-4-бетлар

#### • БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

- 2020 йилнинг февраль ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган

компаниянинг Нарх сиёсатида баён этинг. У текширувичарда салмокли далил бўлиши мумкин. Айнан унда назорат килувчи органнинг сизнинг нархларингиз бўйича саволларига жавоблар бўлиши мумкин.

Компаниянинг нарх сиёсати солик тўловчиликни бошқарув органи тасдиқлаган унинг ички ҳужжати хисобланади. У куйидагиларни белгилайди:

#### 3. Чегирмалар бериши шартлари

• олдиндан тўлов ёки илгари етказиб берилган товар (хизмат) учун муддатидан олдин тўлов амалга оширилганда;

• реализация килиши бўйича (масалан, чегирма реализация килиши ҳажмига боғлиқ ҳолда бевосита сотиши пайтида ёки – муайян вакт даврида харидор айрим ҳажмга эришганда тақдим этилади);  
• бошқа шартлар бажарилганда.

## НАРХ СИЁСАТИ ЁРДАМИДА ҚЎШИМЧА СОЛИҚ ҲИСОБЛАШДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИН

• компаниянинг амалдаги нархлари самарадорлиги, уларнинг маркетинг сиёсатига мувофиқлиги;

• янги маҳсулотларга ва янги харидорлар (ёки аксина, доимий харидорлар) учун нарх белгилашада килинадиган;

• нархларни ўзгариши тартиби ва асослари, шу жумладан – товарлар нархи арzonлаштирилган холларда;

• чегирмалар беришининг асосланганлиги, асослари ва шартлари;

• айнан битта маҳсулотга нархларнинг фарқланиши ва бундай холатларнинг сабаблари.

#### 4. Айнан битта товарга (хизматта) нархни ошириши шартлари

#### 5. Нархнома (прайс-лист).

Уибу нархлар ва нарх сиёсати қоидалари харидор айнан ким бўлишидан катъни назар – доимо ва бир хилда қўлланилиши керак.

Текширувчи келган тақдирда ҳам сиздан айб топиши кийин кечади. Сиз унга «Бизда сиёсат шундай, уни ҳаммага нисбатан татбиқ этилмиз, бу биз учун – бозор нарх. Тўғри, рақобатчиларда нарх юқориқо бўлиши мумкин, мисол учун, бизнинг компаниямиз яқиндагина ошило, рақобатчининг эса машҳур бренд бор. Бунда корхонамизнинг нарх сиёсати харидорлар доираси муайян даражада кенгайсан тақдирдагина нарх оширилишини назарда тутади», дейсиз. Ва ҳоказо...

Нарх сиёсатини муайян даврийликда қайта кўриб чиқиши, бир йўла қандай шартларда у бозорда юзага келган вазиятдан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилишини кўрсатиш мумкин.

## Нарх сиёсати – солик солиниш мақсадларида ҳисоб сиёсатининг бир кисми сифатида

Нарх сиёсатини алоҳида бўлим сиғатида солик ҳисоб сиёсати таркиби га киритиш мумкин, сабаби улар энди бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, Солик кодекси талабларининг ўзгариши, колаверса солик органларининг назоратни янгича усулда ўтказиши нафакат бухгалтер, балки тадбиркорнинг бутун фаолияти учун нарх сиёсати мухим ўрин тутишини кўрсатди.

солик ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисобкитоби услубияти

#### 11-12-бетлар

#### • СОЛИҚ СОЛИШ

- Чет эволю ходимларни жалб этишининг солик оқибатлари

- ННТда асосий воситалар амортизацияси  
- Даромадлар тўғрисидаги декларация: кимлар тақдим этиди

#### 13, 16-бетлар

#### • ККС ҲАҚИДА

- ККС – чегирладиган харажат

- Ходимларга сонглар ва ККС  
- Маркетинг хизматлари экспортида ККС  
- Ўзбекистонда туристик хизматлар кўрсатишида ККС

- Телеканаллар трансляцияси хизматлари бўйича ККСни ҳисобга олиш

#### 14-бет

• БОЖХОНА  
- Шахсий фойдаланишдаги медикаментлар  
- Импорт вактида божхона расмийлаштирувчи

#### 15-бет

## СОЛИҚ СОҲАСИГА ОИД САВОЛЛАР

Ўкувчиларимиздан тушган саволларга молия вазирининг ўринбосари Дирипод СУЛТОНОВнинг жавобларини эълон қилишида давом этамиз.

### Хусусий, оиласий корхоналар ва фермер хўжаликлари соф фойдасига солиқ қандай солинади

1 апрелгача тақсимланган, кейинроқ тўланган дивидендлардан солиқ ушлаб қолни лозимми? ХХларнинг тақсимланадиган соф фойдасига солиқ солиш керакми?

– Да, 5% ставка бўйича дивиденд солиги солинади.

2020 йил 1 апрелдан бошлаб хусусий корхона мулкдорига, оиласий корхона иштирокчисига ёки фермер хўжалиги бошлиғига улар тасарруфида колган фойда суммасидан тўланадиган

даромадлар дивидендларга тенглантирилади (СК 41-моддаси 4-банди).

Юридик шахс томонидан тўланадиган дивидендларга тўлов манбаидан солиқ солинади (СК 343-моддаси).

Дивиденд солиги ставкаси – 5% (СК 381-моддаси).

– Да, имтиёзни унинг амал қилиш муддати тугагунига қадар кўллаш мумкин. Унинг мақсадли йўналиши сақланиб қолади.

30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Конунинг 4-моддасига асосан, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тақдим этилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қиласди.

Бунда СКнинг 75-моддасига асосан соликлар бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшаган маблагларни аниқ мақсадларга йўналтириши шарти билан берилши мумкин. Бундай маблаглар мақсади ишлатилмаган тақдирда мақсадиз ишлатилган маблаглар суммаси белгиланган тартибда пена ҳисобланган ҳолда бюджетта имтиёзларга татбиқ этилади.

Шунингдек, СКнинг 75-моддасида назарда тутилишича, КҚС бўйича имтиёзлар, шу жумладан товарлар Ўзбекистоннинг худудига олиб кирилишида (импортида) солик солишдан бўшаган маблагларни аниқ мақсадларга йўналтириша шарти билан берилши мумкин эмас. Бу норма 2020 йилдан бошлаб жорий этиладиган имтиёзларга татбиқ этилади.

Шу тарика, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига тегишили ўзгартиришлар киритилгунинга қадар корхона ушбу карорлар билан тақдим этилган имтиёзларни кўллашга ҳақли ва улардан максадли фойдаланилишини таъминлаши шарт.

### Турли вазиятлар учун автотранспорт бўйича КҚСни ҳисобга олиш

2020 йилдан бошлаб автотранспорт бўйича КҚС ҳисобга олинмайди, бащарти уни сотиб олиши фаолият турини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса. Ушбу чеклов нимани билдиради?

– 2019 йилдан бошлаб асосий воситалар, жумладан автотранспорт бўйича КҚС 12 ой давомида тенг улушларда (кўчмас мулк обьектлари бўйича – 36 ой) ҳисобга олина бошлаган. Илгари КҚС суммаси сотиб олинган асосий воситалар кийматига киритилган.

2020 йил 1 январдан бошлаб мазкур тартиб ўзгартирилди: солик тўловчиларга сотиб олинадиган асосий воситалар бўйича КҚС суммасини

бир йўла ҳисобга олиш ҳукуки тақдим этилди, солик солинмайдиган оборотлар учун фойдаланилаётган ёки улар бўйича ҳисобга олишга чеклов ўрнатилган асосий воситалар бундан мустасно.

Шу тарика, 2019 йилда автотранспорт бўйича КҚСни кисман ҳисобга олган солик тўловчилар, унинг колган суммасини 2020 йилда бир йўла ҳисобга олишга ҳақлидирлар.

### МИСОЛ. 2019 йилда сотиб олинган автомобиль бўйича КҚС қолдини ҳисобга олиши

2019 йилда КҚС тўловчи корхона директорнинг хизмат сафарлари учун енгил автомобиль сотиб олди. Етказиб берувчига тўланган КҚС 15 млн сўмни ташкил этиди. 2019 йилда солик суммаси қисман 5 млн сўм миқдорида ҳисобга олинди. КҚСнинг қолган 10 млн сўм миқдоридаги суммасини корхона, бащарти реализация қилиш бўйича барча айтланмаларга КҚС солинса, 2020 йилнинг январ ойидаги ҳисобга олиши мумкин.

СКнинг 267-моддасига асосан енгил автомобильларни, мотоциклларни, вертолётларни, моторли қайиқларни, самолётларни, шунингдек моторли воситаларнинг бошка турларини ва улар учун ёқилигини сотиб олини чогида тўланган КҚС, агар сотиб олиши амалга оширилаётган фаолият турига боғлиқ бўлмаса, ҳисобга олинмайди. Мазкур чеклов 2020 йилдаги сотиб олишларга татбиқ этилади.

Агар, масалан, автотранспорт сотиб олиниб, корхона раҳбарияти ва ходимлари томонидан фаолият турини амалга ошириши (маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ бўлмаган шахсий мақсадларда фойдаланилаётган бўлса, у бўйича КҚС ҳисобга олинмайди. Агарда автомобильлардан тафбиркорлик мақсадларида фойдаланилаётган бўлса, сотувчига тўланган КҚС ҳисобга олиниши мумкин.

Шу автомобиль учун ҳарид қилинган ёқилги бўйича КҚС ҳам ҳудди шу тартибда ҳисобга олинади.

Ушбу янгилик ҳисобга олинадиган КҚСни ошириши ва соликларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолларини олдини олишга қаратилган.

### МИСОЛ. Асосий фаолиятда фойдаланилаётган автомобиллар бўйича КҚСни ҳисобга олиши

Реклама фирмаси қўйидагилар учун иккита енгил автомобиль сотиб олди:

- раҳбарнинг кундалик хизмат ишлари билан автомобилда юриши учун;

4-бетда ➤

Оиласий корхонанинг 2019 йил якунлари бўйича фойдаси унинг иштирокчиларига тақсимланди. Оиласий корхонанинг иштирокчилари 2020 йил 1 апрелга қадар тақсимланган дивидендларни 2020 йил давомида дивиденд солигини тўламасдан олишига ҳақлами?

– Ўйқ, мумкин эмас. Солик агенти дивидендлар тарзида тўланадиган даромадларга нисбатан солиқ суммасини алоҳида ҳар бир олувчи бўйича кўрсатилган даромадларни ҳар бир тўловга татбиқан белгилайди (СК 345-моддаси). Даромадни тўлаш куни

Шу боис сиз 2020 йил 1 апрелга қадар 2019 йил якунлари бўйича олинган фойдани солиқ ушлаб қолмасдан олишингиз мумкин.

2020 йил I чораги якунларини сиз 1 апрелдан кейин чиқаришнинг мумкин. Шу боис I чораги учун фойдани тақсимлаш чогида сиз 5% ставка бўйича дивиденд солигини ушлаб қолишингиз лозим бўлади.

ни даромадни олиш куни сифатида белгиланади (СК 367-моддаси). Шу туфайли дивидендлар 2020 йил 1 апрелдан кейин тўланган тақдирда сиз 5% ставка бўйича солиқ ушлаб қолишингиз лозим.

### КҚС бўйича мақсадли имтиёзлар

Корхона Президент қарори билан тақдим этилган ва 2022 йил 1 январга қадар амал қиласиган КҚС бўйича мақсадли имтиёздан фойдаланади. Имтиёзни унинг амал қилиши муддати тугагунига қадар кўллаш мумкини? Агар мумкин бўлса, унинг мақсадли йўналиши сақлаб қолинадими?

# СОЛИҚ СОҲАСИГА ОИД САВОЛЛАР

3-бетда

- бухгалтерия, таъминот, сотувлар, шартнома бўйимлари ва бошқа бўйимлар ходимларининг хизмат ишлари билан юриши учун.

Ушибу ҳолларда автомобилларни сотиб олиши чоғигда тўланган ККС ҳисобга олинини лозим, сабаби улардан тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланилмоқда.

Солик органлари солик тўловчининг фаолиятини ўрганган ҳолда унинг сугурта полислари, йўл-транспорт ҳодисалари, ЙХҚни бузгандлик учун жарималар, автотранспорт воситасининг босган йўли ва бошқарни таҳлил килади. Агар бунда автомобиль корхонада ишлайдиган ёки расмийчилик учун расмийлаштирилган бошқа ходимлар томонидан бошқарилиши далиллари аникланган тақдирда бунга ККСнинг тўлиқ тўланмаганинги сифатида каралиши мумкин. Хукукбизарлар СКнинг 224-моддасига мувофиқ ғайриқонуний тарзда ҳисобга олинган соликнинг 20%ни миқдорида жарима тўлашларига, шунингдек ҳисобга олиши суммасига камайиш томонга тузишини киришилалига тўғри келади.

Бундан ташки, транспорт воситасининг тавсисчилар ёки уларнинг оила аъзолари томонидан бошқарилиши шу транспорт воситасининг амортизацияси бўйича харажатларнинг ғайриқонуний чегирилиши ҳисобига фойда солиги бўйича солик базасининг камайтирилиши сифатида каралиши мумкин. Шунингдек, бу дивидендер тарзида ёки моддий нафтарзидан даромадлар бўйича тўлов манбаидан солик тўлашдан бўйин товлаш сифатида баҳоланиши мумкин.

## Курилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга ошираётган юридик шахсларга ККС солиши

**Объектлар курилишини молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга ошираётган юридик шахслар ККС ва фойда солигини тўлашларга шарт, яни – айланмадан олинидиган солик тўлашга ҳакли эмас. Ушибу талаб марказлаштирилган манба ҳисобига курилишининг барча иштирокчилари – ҳам бош пудратчи, ҳам ёрдамчи пудратчиларга татбиқ этиладими?**

– 2020 йил 1 январга қадар амал қилган Солик кодексига асоссан солик солишининг соддлаштирилган тартиби асосида солик тўловчилар курилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда амалга ошираётган объекtlар бўйича ККС тўлашлари шарт бўйлан (2007 йилдаги СКнинг 349-моддаси).

Бунда мазкур норма курилишини молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга ошираётган юридик шахсларга – бош пудратчиларга татбиқ этилган, бу курилища иштирок этувчи ва умумий курилиш доирасида алоҳида ишларни (хизматларни) баҳаридиган ёрдамчи пудратчиларга тегиши эмас.

Янги СКда мазкур норма сакланиб қолган, лекин унга аниқлик киритилган: марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объекtlар (жорий ва капитал таъмирилаш бундан мустасно) курилишини амалга оширувчи юридик шахслар айланмадан олинидиган соликини тўлашга ҳакли эмас (СКнинг 461-моддаси).

Шу тарика, ККС тўлаши тўғрисидаги талаб буюртмачи билан курилиш пудрати шартномасини тузган пудратчига (бош пудратчига) тааллукли. Бош пудратчи билан марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объекtlарни куриши юзасидан пудрат шартномасини тузган ёрдамчи пудратчиларга ККС ва фойда солиги тўлашга ўтиш тўғрисидаги талаб татбиқ этилмайди.

*buxgalter.uz* сайти материалы асосида.

БУХГАЛТЕР ЭЪТИБОРИГА

## Соликка оид хукукбизарлар турларидаги ўзгаришиллар

Маълумки, янги Солик кодексida солик хукукбизарларининг анча кўп турлари кептирилган. Соликка оид хукукбизарлар бўйича ўзгаришилларнинг солиштирма жадвали тайёрланди.

Илгари	Хозир
Солик органларида ҳисобга кўйишдан бўйин товлаш	Энди жарима миқдори ҳисобга кўйиш турига боғлиқ (янги таҳрирдаги СК 219-м.). <ul style="list-style-type: none"> <li>корхона ёки солик солиши обьекти жойлашган ерда (янги таҳрирдаги СК 219-м.) – 1 дан 2 млн сўмгача;</li> <li>чет эл доимий муассасаси – олинган даромадларнинг 10%, бирок 10 млн сўмдан кам бўлмаган миқдорда;</li> <li>якса тартибида тадбиркор – олинган даромадларнинг 10%, бирок 1 млн сўмдан кам бўлмаган миқдорда;</li> <li>ККС тўловчи сифатида – олинган даромадларнинг 5%, бирок 5 млн сўмдан кам бўлмаган миқдорда.</li> </ul>
Солик ҳисоботини ўз вактида тошишмаганилк	Энди мансабдор шахс жазога тортилади, шунингдек корхонага нисбатан санкциялар кўлланади. <p>Ушибу хукукбизарлар учун ҳар бир кечкитирилган кунга ҳисобот даври учун тўланнишни лозим бўлган солик суммасининг 1%, бирок 10%идан ортик бўлмаган миқдорда жарима назарда тутилган (МЖТК 175-м.; янги таҳрирдаги СК 220-м.).  Соликларни тўлашни ҳар кечкитирилган тақдирда, шунингдек, пеяни тўлашни лозим бўлади</p>
Камерал назорат/текширув доирасида талабномага жавоб мавжуд эмаслиги	Мавжуд санкцияларга нисбатан корхонага солик аудитини тайинлаш мумкинлиги кўшилди (янги таҳрирдаги СК 138-м.).
НКМ ва терминални кўллаш тартибини бузин	Мавжуд хукукбизарларни кўйидагилар билан тўлдирилди (янги таҳрирдаги СК 221-м.). <ul style="list-style-type: none"> <li>гўлвон терминал орқали кабул килишдан бош тортни – 5 млн сўм;</li> <li>солик органларида рўйхатдан ўтказилмаган НКМни кўллаган ёки сотиб олувича тўлов хужжатларини берган ҳолда савдони амалга оширганиш – 7 млн сўм;</li> <li>бошқа шахс номига расмийлаштирилган терминалдан фойдаланганлик – 20 млн сўм.</li> </ul>
ЯТТ томонидан даромадлар ва ҳаражатларни ҳисобга олишининг бузилиши	Солик органларида рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва ҳаражатлар ҳисобини юритишни китобни юритмаган тақдирда якка тартибдаги тадбиркор учун жавобгарлик жорий этилади. Жарима миқдори 500 минг сўм (янги таҳрирдаги СК 222-м.).
Солик базасини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш	Мавжуд хукукбизарларни кўйидагилар билан тўлдирилди (янги таҳрирдаги СК 223-м.). <ul style="list-style-type: none"> <li>юкларни товар-кузатув хужжатларини расмийлаштирасдан ёхуд соҳта хужжатлар бўйича ташин;</li> <li>балкаби биримларни бухгалтерия хужжатларидан фойдаланиш;</li> <li>НКМ дастурига ноконуний равишда ўзгаришилган тартиби;</li> <li>фойдаланимларни моддий ҳаражатларни килингандан деб, ишлаб чиқарни ҳисобига кўшиш;</li> <li>ҳисобот даври учун сотиш ҳажмини ва даромадни касдан камайтириш;</li> <li>моддий, ёкили-энергетика ресурслари ҳаражатларни лимитларни ва амортизациясини сунъий равишда ошириш; нормативларни ног’тири кўллаш;</li> <li>ҳодимларнинг ҳаракиши иш ҳакици суммаси солик ҳисоботида яшириш;</li> <li>ҳодимларнинг ҳаракиши сонини акс этирганилни;</li> <li>реализация килингандан кийматини ҳисоб хужжатларида ҳаракида реализация килингандан пасайтирилган нархлар бўйича акс этириши.</li> </ul> Ушибу хукукбизарлар турлари учун солик базасини камайтиришилган 20%ни миқдорида жарима солинади
Соликни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик	Шунингдек, энди тўланмаган солик суммасининг 20%ни миқдорида жарима солинади (янги таҳрирдаги СК 224-м.).
Хисобварак-фактурадарни расмийлаштиришдаги хукукбизарлар	Хисобварак-фактурадарни расмийлаштиришдаги хукукбизарларни алоҳида хукукбизарликка ажратилиди. <ul style="list-style-type: none"> <li>ундан озод килинган товар ва хизматларга;</li> <li>ККС тўловчи хисобланмайдиган етказиб берувчилар томонидан реализация килишида.</li> </ul> Етказиб берувчилар учун хисобварак-фактурадарни кўрсатилган ККС суммасининг 20%ни миқдорида жарима назарда тутилган. Бундан ташки, етказиб берувчиларни хисобварак-фактурадарни кўрсатилган соликни тўлаш шарт (янги таҳрирдаги СК 225-м.).
Трансферт нархни	Қасидан нарх камайтирилганда ўзаро алоказар тарафлар ўртасидаги битимларда шаклландиган, ушибу битимлар учун ўртасида нархдан фарқ килидиган нарх тушунчаси мавжуд бўлмаган
Назорат килинадиган чет эл компанияси	Назорат килинадиган чет эл компанияси тушунчаси, шунингдек унинг фойда улуси солик базасига киритилмаганини натижасида соликини тўламасликка учун жавобгарлик жорий этилмоқда (янги таҳрирдаги СК 227-м.).

Альберт САФИН, «Norma» МЧЖ эксперти.

# КҮП КВАРТИРАЛИ УЙ ЭГАЛЛАГАН ЕР УЧАСТКАСИ: ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИФИ СОЛИНАДИМИ ЁКИ ЙЎҚМИ

2020 йилдан бошлаб кўп квартирали уйлар эгаллаган ерлар участкалари солиқ солиш обьекти ҳисобланмайди, бундан яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк обьектлари эгаллаган ер участкалари мустасно (СК 426-м. 2-к. 12-б.).

Агар ушбу ер участкаларидан хўжалик фаолиятини юритиши учун фойдаланилса, уларга СКнинг 61-боби «Юридик шахслардан олинадиган ер солиги»да белгиланган тартибида солиқ солинади (СК 426-м. 3-к.).

Солик тўловчиларда ушбу янгилик бўйича тугилган саволларга Молия вазирлигининг Ресурс солиқлари ва бошқа даромадлар методологияси бўлими бошлиги Зарема МЕНАЛИЕВА жавоб беради.

– Корхонада кўп квартирали уй эгаллаган ер участкаси мавжуд. Ундаги квартiralар боша худудлардан келган ходимлар учун хизмат турар жойи сифатидга фойдаланилмоқда. Корхона мазкур ер участкаси учун ер солиги тўлаши лозимми?

– Йўқ, тўланмайди.

Агар кўп квартирали уйдаги бинолардан хизмат турар жойи сифатидга фойдаланилмаётган ва ушбу бинолар эгаллаган ер участкасида хўжалик фаолияти юритилмаётган бўлса, мазкур ер участкаси юридик шахслардан олинадиган ер солиги солиш обьекти ҳисобланмайди.

– Курилиш ташкилотига ер участкаси тақдим этилган бўлиб, унда кўп квартирали уй барпо этилади. Бу уйдаги квартiralар сотилади. Ушбу ер участкаси учун ер солиги тўланадими?

– Ҳа, тўланади.

Ер участкасида курилиш ташкилоти хўжалик фаолиятини юритади ва ер участкасидан фойда олиш мақсадида фойдаланади. Шу боис унга курилиш даврида ҳам, уй-жони фойдаланишга топширишнинг давлат қабулидан кейин ҳам солик солинади.

Курилиш ташкилоти томонидан кўп квартирали уйдаги барча жойлар сотилган ва кадастр ҳужжатлари янги мулк-

дорларга қайта расмийлаштирилгандан кейин, мазкур курилиш ташкилотида ушбу бинолар эгаллаган ер участкасидан фойдаланиш хукуки тутайди.

Тегишинча, юридик шахслардан олинадиган ер солиги бўйича солик базаси ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади (СК 427-м. 2-к.).

– Кўп қаватли турар жойининг биринчи қаватидаги оғис биноси корхонага тегишили. Тураг жой бўлмаган хоналар бўйича ер солиги қандай ҳисобланади?

– Кўп қаватли турар жой биноларида тураг жой бўлмаган хоналар учун юридик шахслардан олинадиган ер солиги тураг жой бўлмаган биноларнинг қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиқиб ҳисобланади (9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 9-илова изоҳининг 7-б.). Кўп қаватли турар жойдаги тураг жой бўлмаган хонанинг майдони камастр ҳужжатларида кўрсатилган.

**МИСОЛ.** Корхона 7 қаватли турар жойининг биринчи қаватида жойлашган 140 кв.м турар жой бўлмаган хонага эгалик қўлади.


Юридик шахслардан олинадиган ер солиги 0,002 га (140 / 7 / 10 000) тенг бўлган ер участкаси майдони ва ер солигининг тегишили ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланади (маълумот учун: 1 га = 10 000 кв.м.).

Юридик шахслардан олинадиган ер солиги ставкалари ЎРҚ-589-сон Қонуннинг 9-иловаси билан тасдиқланган.

– Кўп квартирали уйдаги квартира юридик шахсга тегишили, у корхона ходимларининг яшаси учун фойдаланилади. Корхона ер солиги тўлаши лозимми?

– Йўқ, тўланмайди.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиги солиш обьекти ҳисобланмайди. Агар кўп квартирали уйдаги квартира яшаш учун мулжалланган бўлса, ушбу квартира эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиги тўланмайди.



## ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

### ТМЗ ҚОЛДИҚЛАРИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛЫ АКТИВЛАРГА ДОИР

Солиқ тұловчилар ҚҚС тұловчилар тоифасига ёки соддалаштирилган ҚҚСдан ҚҚС ҳисоб-китобининг умумий тартибига үтиш чөгіда, шунингдек ҚҚС тұлашдан озод этиш бекор қылғанда ТМЗ қолдиқлари ва узоқ муддатлы активлар бүйічә ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақып. Амалиёттада буни қандай бажариш ҳақида Молия визирлігінинг Билвоситада солиқлар вә болжона тұловлары методологиясы бўлими бошлиғи Баҳодир БОЙҚОБИЛОВ тушунтириш беради.

ҚҚС тұловчилар тоифасига ёки СҚҚСдан ҚҚС ҳисоб-китобининг умумий тартибига үтаётгандан, шунингдек ҚҚС тұлашдан озод этиш бекор қылғанда 2020 йил 1 январга бўлган ҳолатда ТМЗ қолдиқлари, шунингдек узоқ муддатлы активлар бүйічә ҚҚС суммасини ҳисобга

олинг. Бунда СКнинг 266-моддасида белгиланған ҳисобга олиш шартларига риоя қилиш лозим. Агар ТМЗ ва узоқ муддатлы активлар кўрсатилган талабларга мувофиқ келмаса, улар бүйічә ҚҚСни ҳисобга олиш мумкин эмас (СК 267-моддаси).

**ТМЗ деганда 4-сон БХМС «Товар-моддий захиралар»нинг 5-бандинда белгилаган моддий активлар, шу жумладан түгапланмаган ишлаб чиқарыш тушунилади (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган).**

21-сон БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаoliyatiining бухгалтерия ҳисоб счёtlari режаси ва уни кўllaш бўйича йўрикнома»га 2-илованинг 1-кисмидаги кўrsatilgan активлар узоқ муддатлы активлар ҳисобланади (АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган):

• 0100-гурух, счёtlariда ҳисобга олинувчи асосий во-ситалар;

- молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (0300);
- номоддий активлар (0400);
- ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700);
- капитал кўйилмалар (0800).

2020 йил 1 январга бўлган ҳолатда ТМЗ қолдиқлари ва узоқ муддатлы активлар бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш инвентарлаш маълумотлари асосида амалга оширилади.

**ТМЗ қолдиқлари ва узоқ муддатлы активлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш чөгіда ҚҚС товарларни (хизматларни) ётказиб берувчилар товарларни юклаб жўнатишга (хизматлар кўrsatishiغا) доир хўжатларда кўrsatilgan stavkalarda ҳисоблаб чиқарилади.**

**МИСОЛ. Инвентарлаш маълумотларига кўра ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаларини аниқлаш**

- 2020 йил 1 январга бўлган ҳолатда инвентарлаш натижаларига кўра қўйидагилар аниқланган:
- омборда ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 100 млн сўмлик товарлар мавқуд, шу жумладан охирги 12 ойда (2019 йил 1 январдан 31 декабргача) сотиб олингандали – 80 млн сўмлик, шундан 20%лик ҚҚС ставкаси бўйича – 23,4 млн сўмлик, 15% – 46 млн сўмлик, 6% – 10,6 млн сўмлик;
  - омборда таннархи 100 млн сўмни ташкил этадиган тайёр маҳсулотлар турибди. 2019 йилда ҚҚС билан сотиб олинган ва ушбу таннархга киритилган товарлар ва хизматлар 80 млн сўмни ташкил этади, ш.ж. 20%лик ставка бўйича – 29,4 млн сўмлик, 15% – 50,6 млн сўмлик;
  - AB қолдик қийматига 200 млн сўмни ташкил этади, шу жумладан 2019 йилда 20% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда сотиб олингандали – 171 млн сўм;
  - курилиши тугалланмаган объект қийматига 500 млн сўмни ташкил этади, шу жумладан 2019 йилда ҚҚС билан сотиб олинган ва ушбу қийматга киритилган товарлар ва хизматлар 200 млн сўм, шундан 20%лик ҚҚС тавкаси бўйича – 108 млн сўмлик, 15% – 92 млн сўмлик.
- Корхона 2020 йил 1 январга бўлган ҳолатда ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаларини аниқлаш чогида қўйидагиларни инобатга олиши керак:
- товарлар қолдиклари қийматига киритилган ҚҚС суммаси – 10,5 млн сўмни ( $23,4 / 120 \times 20 + 46 / 115 \times 15 + 10,6 / 106 \times 6$ );
  - тайёр маҳсулот қолдиклари таннархидаги ҳисобга олинган товарлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммаси – 11,5 млн сўмни ( $29,4 / 120 \times 20 + 50,6 / 115 \times 15$ );
  - AB қолдик қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммаси – 28,5 млн сўмни ( $171 / 120 \times 20$ );
  - курилиши тугалланмаган объект қийматига киритилган товарлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммаси – 30 млн сўмни ( $108 / 120 \times 20 + 92 / 115 \times 15$ ).

Бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар амалга оширилган:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, млн сўмда	Счёtplар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Товарлар қолдиклари қийматидан чегирилган ҚҚС суммаси акс эттирилди	10,5	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	2910-«Омбордаги товарлар»
AB қийматидан чегирилган ҚҚС суммаси акс эттирилди	28,5	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувичи счёtplар»
Тайёр маҳсулот қолдиклари таннархидаги ҳисобга олинган, товарлар ва хизматлар қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммаси акс эттирилди	11,5	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»
Курилиши тугалланмаган объект қийматига ҳисобга олинган, товарлар ва хизматлар қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммаси акс эттирилди	30	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	0810-«Тугалланмаган курилиши»
СКнинг 266-моддасига назарда туттилган ҳисобга олиш учун барча шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилганди 2020 йил 1 январга бўлган ҳолатда ТМЗ қолдиклари ва узоқ муддатли активларга тўғри келадиган ҚҚСнинг умумий суммаси ҳисобга киритилди ( $10,5 + 28,5 + 11,5 + 30$ )	80,5	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»

РЕКЛАМА



Ўзбекистон  
Республикаси  
қонунчилиги

WWW.norma.uz

бўйича хизматларни реализация қилишда ноль даражали ставка бўйича солик солинади (СК 263-м.).

Бинобарин, агар резидент бошқа давлатлардан Ўзбекистонга ва аксина, Ўзбекистондан ушбу давлатларга юклари

халқаро ташиб хизматларини кўрсатади, бундай хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилади. Бирок, реализация қилишга ноль даражали ставка бўйича солик солинади.

#### **ВАЗИЯТ. Россиянинг транспорт компанияси Ўзбекистон корхонасининг буюртмасига асосан юкларни Россиядан Ўзбекистонга ташибди**

– Мазкур ҳолатда Россия транспорт хизматларини реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, шу сабабли Ўзбекистон корхонасида ҚҚС бўйича мажбуриятлар юзага келмайди.

#### **ВАЗИЯТ. Ўзбекистон компанияси Россия корхонасига Ўзбекистондан Россияга юкларни ташиби хизматларни кўрсатади**

– Мазкур ҳолатда реализация қилиш жойи – Ўзбекистон, агар жўнатиш пункти ва (ёки) белгиланган пункт Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган бўлса, ижро этиучи – ЎзР резидентининг фаолият юритиш жойига қараб аниқланади (СК 241-м. 3-к. 4-б.).

#### **ВАЗИЯТ. Ўз мамлакатида фаолият юритадиган хорижий реклама фирмаси Ўзбекистон корхонаси билан тузилган шартнома бўйича хориж босма нашрида ушбу корхона ва унинг маҳсулотлари тўғрисидаги мақолани жойлашириди**

– Мазкур ҳолатда хизматлар чет элда кўрсатилганлиги сабабли, Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этимайди. Тегишинча, бундай хизматларни импорт қилишида Ўзбекистон корхонасида ҚҚС бўйича мажбурият юзага келмайди (СК 241-м. 3-к. 9-б.).

#### **ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси хориждаги ташкилотнинг буюртмаси бўйича матнларни ўзбек тилига таржима қилишга оид хизматларни кўрсатади. Тайёр бўлган таржима буюртмачига электрон почта орқали жўнатилади**

– Реализация қилиш жойи харидорнинг фаолият юритиш жойига қараб белгиланади, ҚҚС тўлланмайди (СК 241-м. 1-к.).

#### **ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Латвия консалтинг фирмаси билан Шарқий Европа бозорида ўз товарини иллари сурин мақсадида маркетинг тадқиқотини ўтказишига шартнома тузди**

– Мазкур ҳолатда харидор (Ўзбекистон) фаолият юритадиган жой реализация қилиш жойи ҳисобланади. Шу боис маркетинг хизматларига ҚҚС солинади (СК 241-м. 1-к.).

Хизматлар кўрсатиш асосий хизматларни реализация қилишга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, бундай реализация қилиш жойи деб асосий хизматларни реализация қилинган жой эътироф этилади (СК 241-м. 5-к.).

#### **ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Қозогистон худудида бургулаш қуршилмасини ўрнатади. Бундан ташқари, ишларни қабул қилиб олуччи юйнимча равишда ишлар бажарлиши учун зарур усуналарни ташиби учун ҳақ тўлайди**

– Кўчмас мулк объекти (бургулаш қуршилмаси) Қозогистонда ўрнатилганлиги сабабли ишларни реализация қилиш жойи Қозогистон ҳисобланади. Бошқа ҳолатларда ташиби хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этишиши лозим эди, бироқ мазкур ҳолатда бундай бўлмайди! Ташиби хизматларни асосий хизматларга (курилманни ўрнатиш) нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон усуналарни ташиби хизматларни реализация қилиш жойи ҳисобланмайди ва мазкур ҳолатда унинг худудида ҚҚС тўлланмайди (СК 241-м. 5-к.).

#### **ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси хорижий компаниядан:**

1) Ўзбекистон ҳудудида кинофильмини намоиш этиши хукуқини;

2) норезидентнинг товар белгисидан Ўзбекистонда фойдаланиши хукуқини;

3) айрим турдаги буюмларни ишлаб чиқаришига лицензияни сотиб олди

– Барча ҳолатларда хукуклардан фойдалансанлик учун хорижий компанияга тўланаидиган айланмалар бўйича ҚҚС Ўзбекистонда тўланиши лозум, сабаби хизматлар харидори сифатида Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган (СК 241-м. 1-к.).

#### **ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси компютер дастурини ишлаб чиқди ва ундан фойдаланишига бўлган мутлақ хукуқни хорижий компанияни беради**

– Дастурий таъминотдан фойдаланиши хукуқини Интэрнет орқали тақдим этиши электрон шаклдаги хизмат ҳисобланади (СК 282-м. 1-к. 1-б.). Бироқ ЭҲМ дастурлари (шу жумладан компютер ўйинлари) ва мэйлумотлар базаларини реализация қилиши (улардан фойдаланши хукукларини тақдим этиш) моддий ташушуларда амалга оширилса, бу хизмат электрон шаклдаги хизматлар жумласига курилтмайди (СК 282-м. 2-к. 2-б.). Электрон шаклдаги хизматларни реализация қилиш жойи харидорнинг фаолиятини амалга оширилса, Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди. Бунда ҚҚС солинадиган объект юзага келмайди (СК 241-м. 1-к.).

#### **ВАЗИЯТ. Хорижий компания – норезидентнинг ўз мамлакатида фаолият юритган ҳолда кўйша корхона – Ўзбекистон резидентига ҚҚДа ишлаш учун турли мамлакатлардан малакали кадрларни таинлаш хизматларини кўрсатади**

– Харидор Ўзбекистон ҳудудида фаолиятни амалга ошириса, мамлакатимиз ҳудуди хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Шу боис ҚҚС Ўзбекистонда тўланиши лозум (СК 241-м. 1-к.).

Замира ЖЎРАЕВА, «Norna» МЧЖ эксперти.

**ВАЗИЯТ.** Россия компанияси Ўзбекистон корхонасининг буюртмаси бўйича Тошкент шаҳрида уй-жой куриш учун лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқади. Лойиҳалаштириши ишлари Россияяда бажарилади

- Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши хизматлари ЎзР худудида жойлашган кўймас мулк объектининг архитектура лойиҳасини ишлаб чиқиши билан боғлиқ бўлади. Бинонобарин, Россия компаниясининг лойиҳалаштириши ишларига Ўзбекистонда ҚҚС солинади. Хизматлар буюртмачиси – Ўзбекистон корхонаси солиқ агенти сифатида чиқади (СК, 241-м. 3-к. 1-б.).

**ВАЗИЯТ.** Ўзбекистон корхонаси Қозогистонда бино сотиб олади ва уни ижарага беради

- ҚҚС солиш мақсадида ижарага бериш хизмат деб эътироф этилади. Бино (кўчмас мулк) Ўзбекистон худудида жойлашмаганигина ҳисобга олиб, ушбу хизматни реализация қилиш жойи республика ҳудуди деб эътироф этилмайди. Шу боис ижара операциясида ҚҚС юзага келмайди (СК 241-м. 3-к. 1-б.).

**ВАЗИЯТ.** Ўзбекистон корхонаси Россия ҳудудида жойлашган заводни, бир нечта дастгоҳни ижарага олади ҳамда улардә Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари учун бутловчи буюмларни ишлаб чиқаради

- Ўзбекистон корхонаси Ўзбекистондан ташқарида жойлашган кўчар мол-мulkни ижарага олганлиги сабабли ҚҚС тўлнанимайди (СК 241-м. 3-к. 2-б.).

**ВАЗИЯТ.** Немис фирмаси Ўзбекистон ҳудудида немис фирмаларидан бирда ишлаб чиқарилган ускуналарга техник хизмат кўрсатади

- Ўзбекистон корхонаси Ўзбекистонда жойлашган кўчар мулк билан боғлиқ хизматларни норезидендан сотиб олабтанилиги сабабли ЎзР уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Тегишинча, бундай хизматларга ҚҚС солинади (СК 241-м. 3-к. 2-б.).

**ВАЗИЯТ.** Ўзбекистон улгуржи компаниюси кейинчалик қайта сотиш учун импорт бўйича олиб келинадиган товарлар туркумига сертификатни расмийлаштириши хизматларини кўрсатадиган Россия компанияси билан шартнома тузди. Хизматлар РФ ҳудудида кўрсатилади

- Товар – бу кўчар мулк, сертификатлаш эса ушбу мол-мulk партияси билан бөвосита боғлиқдир. Норезиден амалда РФ ҳудудида хизматлар кўрсатади, шу сабабли Ўзбекистон уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди. Тегишинча, ҚҚС тўлнанимайди.

Умумий оқиатланиш, кўнгилочар, дам олиш ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар, туризм, меҳмонхона хизматлари ва жойлаштируви, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ўқитиш (таълим) соҳасидаги, шу жумладан малака имтиҳонлари ўтказиш, семинарлар, малака ошириш курсларини, пулпик кўргазмаларни, конференцияларни, симпозиумларни

ва бошқа шунга ўхшаш таддирларни ташкил этишига доир хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилса, хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилади. Мазкур банд қоидалари электрон шаклда кўрсатиладиган ўқитиш (таълим) соҳасидаги хизматларга нисбатан татбиқ этилмайди (СК 241-м. 3-к. 3-б.).

**ВАЗИЯТ.** Ўзбекистон корхонаси Туркия компаниясининг буюртмаси бўйича Истанбулда симпозиум ташкил этиади

- Симпозиумларни ташкил этиш хизматлари уларни ўтказиш жойи бўйича белгиланганлиги сабабли, мазкур ҳолатда эса бу – Туркия, реализация қилиши жойи Ўзбекистон деб эътироф этилмайди. Тегишинча, бундай хизматларни экспорт қилишда ҚҚС ҳисобланмайди.

**ВАЗИЯТ.** Хорижий компания Ўзбекистонда ҳалқаро спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади.

- Хизматларни реализация қилиши жойи Ўзбекистон деб эътироф этилади. Бироқ Солиқ кодексининг 255-моддаси қоидалари мазкур Кодексининг 243-245-моддаларидан кўрсатилган товарларни (хизматларни) реализация қилишда кўлланилмайди (СК 255-м. 8-к.). Тегишинча, мазкур ҳолатда ҚҚС бўйича солиқ оқибатлари юзага келмайди.

**ВАЗИЯТ.** Россия компанияси Ўзбекистонда машҳур артисларинг концертларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади

- Бундай хизматлар Ўзбекистонда кўрсатилганлиги сабабли, у реализация қилиши жойи деб эътироф этилади. Тегишинча, бундай хизматлар бўйича ҚҚС Ўзбекистон бюджетига тўланиши лозим (СК 241-м. 3-к. 3-б.).

Солиқ кодексининг 241-моддаси 3-қисми 4-бандида ташиш ва (ёки) транспортда ташиш бўйича хизматлар ёхуд транспорт-экспедиторлик хизматлари сингари бевосита ташиш билан боғлиқ хизматларни реализация қилиш жойини эътироф этиш масалалари тартибиға солинган (ФКнинг 726-м.).

Товарларнинг жўнатиш пункти ва белгиланган пункти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашиши шарти билан ёт эз шахслари томонидан ташиш ва транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатилганда, Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади.

Норезидент томонидан бошқа давлатлардан Ўзбекистонга ва аксина, Ўзбекистондан ушбу давлатларга юкларни ташиш ва (ёки) транспортда ташиш бўйича хизматлар ёхуд

бевосита ташиш ва (ёки) транспортда ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилганда, бундай хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилмайди. Тегишинча, бундай хизматларни импорт қилишда ҚҚС юзага келмайди.

Резидент бошқа давлатлардан Ўзбекистонга ва аксина, Ўзбекистондан ушбу давлатларга юкларни ташиш бўйича транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатсанда, Ўзбекистон реализация қилиш жойи деб эътироф этилади. Хизматга 15%лик ставка бўйича ҚҚС солинади.

Товарларнинг жўнатиш пункти ёки белгиланган пункти Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган тақдирда, товарларни ҳаво кемалари, темир йўл транспорти ёки автотранспорт воситалари орқали ҳалқаро ташиш



## СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ВА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ АЙЛАНМАЛАРИ МАВЖУД БҮЛГАНДА УЗОҚ МУДДАТЛЫ АКТИВЛАР БҮЙИЧА ҚҚС ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Асосий воситалар, ўрнатиладиган ускуналар, номоддий активлар ва күчмас мулк объектлари, ш.ж. курилиши тугалланмаган объектлардан келгусида ҚҚС солинмайдиган айланмаларда фойдаланилса, санаб ўтилган активлар харид қилинганды ҳисобга олинган ҚҚС суммасыга тузатиш киритилиши керак. Молия вазирлигининг солиқ ва божхона тарифи сиёсати бошқармаси бўлим бошлиги в.б. Баҳодир БОЙҚОБИЛОВ амалиётда бундай тузатиш қандай киритилиши борасида тушунтириш беради.

Келгусида ўз асосий воситалари сифатида фойдаланишига мўлжалланган активларни яратиш учун АВ, ўрнатиладиган ускуналар, НМА, кўчмас мулк ва курилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек товарлар (хизматлар) харид қилинганды ҚҚС тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади. Бундай товарлар импорт қилинганды тўланган ҚҚС ҳам худди шундай ҳисобга олинади (СК 266-м. 3-к.).

Бундай обьектлар бўйича ҚҚСни тўлиқ ҳисобга олишнинг маъбурий шартларидан бири, улардан ҚҚС солинадиган, шу жумладан ноль даражали ставкада ҚҚС солинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаларида фойдаланиш хисобланади (СК 266-м. 1-к. 1-б.). Келгусида бундай активлардан солиқ солишдан озод этилган ёхуд бир вақтнинг ўзида озод этилган ва солиқ солинадиган реализация қилиш айланмаларида фойдаланссангиз, улар бўйича ҳисобга олинган ҚҚСга тузатиш киритиш лозим (СК 269-м. 1-к. 1-б.).

Тикланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳисобга олинган солиқ суммасининг, бундай тузатиш киритилган санадаги

объектнинг баланс (колдик) қийматига тўғри келадиган (қайта бахолашни ҳисобга олмагандан) бир кисми сифатида белгиланади. У жорий календарь йил давомида ортиб борувчи якун билан аниқланадиган, реализация қилинган товарлар (хизматлар) умумий қийматидаги солиқ солишдан озод этилган реализация қилинган товарлар (хизматлар) қиймати улушкига мутаносиб равища аниқланади (СК 270-м. 7-к.).

Узоқ муддатли активлар солиқ солинмайдиган реализация қилиш айланмаларида фойдаланиш учун харид қилинган, бироқ келгусида солиқ солинадиган айланмаларда фойдаланилган бўлса, харид қилиш пайтида уларнинг қийматига киритилган ҚҚСга ҳам тузатиш киритиш ва қисман ҳисобга олиш лозим.

Солиқка тузатиш киритиш суммаси обьектларнинг баланс қийматини кўпайтиришга (ёки камайтиришга) киритилиши ёхуд фойда солигини ҳисоблаб чиқариш чогида чегирилладиган харажатлар таркибига киритилиши мумкин (СК 269-м. 7-к.).

**Тўлиқ амортизацияланган ёки фойдаланиша киритилган пайтдан бўён 10 йилдан ортик вақт ўтган обьектларга тузатиш киритилмайди.**

Қуйидаги ҳолларда ҚҚСга тузатиш киритиш суммаси қандай ҳисобланишини мисоллар ёрдамида күриб чиқамиз:

- актив қийматига киритилганда;
- ҳаражаттарга киритилганда.

#### **МИСОЛ. ҚҚСга тузатиш киритиш суммаси актив қийматига киритилади**

Корхона январь ойида 690 000 минг сўмлик, ш.ж. 15 % ҚҚС – 90 000 минг сўм, ишлаб чиқарши ускунасину харид қилиб, фойдаланишга киритди. Ўндан ҚҚС солинадиган айланмаларда фойдаланиш кўзланган эди. Январь ойида 200 000 минг сўм миқдоридаги бутун реализация қилиши айланмага ҚҚС солинган. Харид қилинган ускуна бўйича солиқнинг бутун суммаси ҳисобга олинган.

Январь ойида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счёtplар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Ускуна келиб тушиши акс этилрилган	600 000	0820-«Асосий восьиталарни харид қилиши»	6010-«Мол етказиб берувларлар ва пудратчиларга тўланадиган счёtplар»
Ускуна бўйича ҚҚС акс этилрилган	90 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	6010-«Мол етказиб берувларлар ва пудратчиларга тўланадиган счёtplар»
Ускунанинг фойдаланишга киритилиши акс этилрилган	600 000	0130-«Машина ва асбоб-ускуналар»	0820-«Асосий восьиталарни харид қилиши»

Февраль ойида 50 000 минг сўм миқдоридаги бутун реализация қилиши айланмасига ҚҚС солинган. Корхона бўйича реализация қилиши айланмасининг солиқ солишидан озод этилган улуши ортиб борувчи якун билан 20% ( $50 / (200 000 + 50 000) \times 100$ ) ташкил этган.

Тузатилиши (тикланиши ёки ҳисобга олинниши) лозим бўлган ҚҚС суммасини тўғри аниглаш учун актив қийматига киритиладиган солиқ суммасини активни ҳисобга олуви чётга очиладиган алоҳида субсчётда ҳисобга олиш зарур. Реализация қилиши айланмасининг умумий суммасида солиқ солинмайдиган айланмалар улуши ўзаришига қараб ушбу ҚҚС суммасига ҳам тузатиш киритилиши керак.

Февраль ойида ускуна бўйича 7 500 минг сўм ( $600 000 \times 15\% / 12$ ) миқдорида эскириши ҳисобланган. Тегишинча, ускунанинг қолдик (баланс) қиймати 592 500 минг сўмни ( $600 000 - 7 500$ ) ташкил этган, шу жумладан, қуйидаги счёtplарда:

- 0130-«Машина ва асбоб-ускуналар» (ҚҚСсиз активининг соф қийматини ҳисобга олуви чёт) – 600 000 минг сўм;
- 0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» – 7 500 минг сўм.

Ускунадан солиқ солинмайдиган айланмаларда фойдаланила бошлаганин сабабли феевраль ойининг охрида январь ойида ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилиши (қисман тикланиши) лозим.

Февраль ойининг охрида ускунанинг баланс қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммаси 88 875 минг сўмни ( $592 500 \times 15\%$ ) ташкил этади.

Энди ушбу сумманин ( $88 875$  минг сўм) қайси қисмига тузатиш киритилиши (тикланиши ёки ҳисобга олинниши лозим бўлган суммадан чөгирлиши) лозимлигини аниқлаймиз. Ушбу қисм каленձаръ ўйл давомида ортиб борувчи якун билан ҳисобланган умумий реализация қилиши айланмасидаги солиқ солинмайдиган айланма улусидан келиб чиқиб аниқланади.



## РЕКЛАМА



## «СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Мирробод тумани, Таджимаржон кўч., 1/1.

Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

# ҚҚС ТҮЛАШ МАҚСАДИДА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОЙИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ

## АМАЛИЁТДАН 20 ТА ВАЗИЯТ

Реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилганда, хизматларни импорт қилиш чогида айланмадан олинадиган солиқни түлайдиган солик тұловчи ҚҚС тұлаши лозимми? ҚҚС тұловчиси бұлсанғыз ва реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланмаса, товарлар (хизматлар)ни экспорт қилинша ҚҚС тұланиши керакми? Транспорт-экспедиторлик хизматларини импорт қилинша ва реализация қилинша реализация қилиш жойи қандай аниқланади? Реализация қилиш жойини аниқлаш қоидаларини амалиётдан олинган айрим вазиятлар мисолида күриб чиқамыз.

Реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма ҚҚС солиқ объективидир (СК 238-м. 1-к.).

Товарлар (хизматлар) харидорлари, яъни солик тұловчи сифатида хосиба турмайдиган чөт эл шахсларидан реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланган товарлар ва хизматларни харид қыладиган хўжалик юритувчи субъектлар солик агентлари деб эътироф этилади. Хусусан:

- ЎзР юридик шахслари;
- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- Ўзбекистонда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи чөт юридик шахслари (СК 255-м. 2-к.).

Солик агентлари деб эътироф этиладиган шахслар ўзлари

ҚҚС тұловчи ёки тұловчи эмаслигидан қатын назар, тегишли ҚҚС суммасини ҳисоблаг чиқариши, солик тұловцидан уни ушлаб қолиши ва бюджетта ўтказиши шарт (СК 255-м. 6-к.).

Контрактларнинг шартларига мувофиқ чөт эл шахслари томонидан соликни ҳисобга олмасдан хизматлар тақдим этилса, ушбу хизматлар бўйича солик базаси солик агентлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг кийматидан келиб чиқкан холда соликни ҳисобга олмасдан аниқланади.

Бундай ҳолда солик агенти ҚҚСнинг тегишли суммасини мустакил тарзда ҳисоблаг чиқариши ва бюджетта ўтказиши шарт. Солик тўланганларигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тўланган солик суммасини ҳисобга киритиш хуқуқини беради (СК 255-м. 7, 9-к.).

## Товарларни реализация қилиш жойи

Солик кодексининг 240-моддасига мувофиқ кўйидаги шартлардан ҳеч бўлмаган биттаси бажарилган тақдирда, Ўзбекистон товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

- 1) товар ЎзР худудида турган бўлса ва битим натижасида унинг худудидан ташқарига чиқарилмайдиган бўлса;
- 2) товар жўнатиш ёки транспортда ташиш бошланган пайтда ЎзР худудида турган бўлса.

**ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Россия компаниясига товар сотади ва ушбу мақсадлар учун товарни экспорт боххона режимига жойлаштиради**

Мазкур ҳолатда белгиланган шартлардан бирни бажарилади – товар юклаб жўнатиш ёки ташиш чогида Ўзбекистон худудида бўлган. Бинобарин, реализация қилиш жойи Ўзбекистон деб эътироф этилади, Ўзбекистон корхонаси ҚҚС солиши объекти юзага келади.



Эслатиб ўтамиз, товарларни чөт эл валютасида экспорт қилинша (қиммат баҳо металлар бундан мустасно) товарларни реализация қилиш бўйича айланмага ноль даражали ставкада солик солинади (СК 260-м.).

**ВАЗИЯТ. Ўзбекистон корхонаси Россия компаниясига Германия худудида турган товарни сотади**

– Мазкур ҳолатда Солик кодексининг 240-моддасида белгиланган шартлардан ҳеч бирни бажарилмайди, сабаби товар аввалбошдан республика худудидан ташқаридан бўлган. Ўзбекистон мазкур операцияни амалга ошириш жойи ҳисобланмайди, ҚҚС солиши объекти юзага келмайди.

## Хизматларни реализация қилиш жойи

Хизматларни реализация қилиш жойини эътироф этиш шартлари Солик кодексининг 241-моддасида санаб ўтилган. Уларни айрим мисолларда күриб чиқамиз.

**ВАЗИЯТ. Россиянинг қурилиш компанияси Ўзбекистон корхонаси билан тузилган шартнома бўйича Ўзбекистонда спорт комплексини куряпти. Компаниянинг Ўзбекистонда ваколатхонаси мавжуд эмас**

– Норезидент томонидан бажариладиган ишлар кўчмас мулк (курилиш объекти) билан бөлгилайдир. Шу боис, ижро этилуви хорижий компания эканлигига қарамади, ишларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланади. Бинобарин, Россия компаниясининг қурилиш ишларига Ўзбекистонда ҚҚС солинади. Хизматлар буюртмачиси – Ўзбекистон корхонаси солик агенти сифатида чиқади (СК 241-м. 3-к. 1-б.).

Ускунадан илгаригидек солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган айланмаларда фойдаланилиши сабабли март ойда ҳам тузатиш киритилиши зарур.

Ускунанинг баланс қийматига тўғри келадиган ККС суммаси 87 750 минг сўмни ( $585\,000 \times 15\%$ ) ташкил этади.

Март ойининг охурида солиқ солинмайдиган айланма улуши 60%ни ташкил этгани сабабли март ойининг охурида қолдик қийматига тўғри келадиган ККС суммасининг 60%, яъни 52 650 минг сўм ( $87\,750 \times 60\%$ ) ҳисобдан чиқарипшиша ва харажатларга киритилиши лозим.

Аналитик ҳисобда тузатиш киритилиши лозим бўлган ККСни 52 650 минг сўмлик суммада акс эттириши керак. 34 875 минг сўмлик ( $52\,650 - 17\,775$ ) суммага тузатиш киритилиши керак.

Март ойда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуну	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Амортизация ҳисобланган	7 500	2010-«Асосий ишлаб чиқариши»	0230-«Машина ва асбоб-ускунапарни эскириши»
Илгари ҳисобга олинган, ККСдан озод этилган реализация қилиш айланмасига тўғри келадиган ККС суммасига тузатиш киритилиши акс эттирилган; ҳисобга олиниши лозим бўлмаган солиқ тикланган ва харажатларга киритилган	34 875	9430-«Бошқа операцон харажатлар»	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»

Апрель ойда реализация қилиш айланмаси 430 000 минг сўмни ташкил этган, ш.ж.:

- 320 000 минг сўм – солиқ солинадиган айланма;
- 110 000 минг сўм – солиқ солинмайдиган айланма.

Январь–апрель ойларидаги айланма ортиги боруҷчи якун билан 990 000 минг сўмни ташкил этган, ш.ж.:

- 544 000 минг сўм – солиқ солинадиган айланма;
- 446 000 минг сўм – солиқ солинмайдиган айланма.

Корхона бўйича реализация қилиш айланмасининг солиқ солишидан озод этилган упуши ортиб боруҷчи якун билан 45%ни ( $446\,000 / 990\,000 \times 100$ ) ташкил этган.

Апрель ойда ускуна бўйича 7 500 минг сўм ( $600\,000 \times 15\% / 12$ ) миқдорида эскириш ҳисобланган.

Тезишинча, ускунанинг қолдик (баланс) қиймати 577 500 минг сўмни ( $600\,000 - 3 \times 7\,500$ ) ташкил этган. Ускунанинг баланс қийматига тўғри келадиган ККС суммаси 86 625 минг сўмни ( $577\,500 \times 15\%$ ) ташкил этади.

Апрель ойининг охурида солиқ солинмайдиган айланма улуши 45%ни ташкил этгани сабабли апрель ойининг охурида қолдик қийматга тўғри келадиган ККС суммасининг 45%, яъни 38 981 минг сўм ( $86\,625 \times 45\%$ ) ҳисобдан чиқарипшиша ва харажатларга киритилиши лозим.

Аналитик ҳисобда тузатиш киритилиши лозим бўлган ККС 38 981 минг сўмлик суммада акс эттирилиши керак. Харажатларга киритилган ККСга 13 669 минг сўмлик ( $38\,981 - 52\,650$ ) суммада камайтириши томон тузатиш киритилиши керак.

Апрель ойда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуну	Сумма, минг сўмда	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Амортизация ҳисобланган	7 500	2010-«Асосий ишлаб чиқариши»	0230-«Машина ва асбоб-ускунапарни эскириши»
ККСдан озод этилган реализация қилиш айланмасига тўғри келадиган ККС суммасига тузатиш киритилиши акс эттирилган; харажатларга киритилган ККС суммасини камайтириши ҳисобига ҳисобга олиниши лозим бўлган ККС суммаси кўпайтирилган	13 669	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	9430-«Бошқа операцон харажатлар»

Февраль ойининг охирда солиқ солинмайдиган айланма улуши 20%ни ташкил этгани сабабли февраль ойининг охирда қолдик қийматга тўғри келадиган ККС суммасининг 20%, яъни 17 775 минг сўм ( $88\,875 \times 20\%$ ) ҳисобдан чиқарилиши ва келгусида ускуна қийматининг бир қисми тарзида алоҳида субсчётда ҳисоби юритилиши лозим.

Февраль ойида бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счёtplар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Амортизация ҳисобланган	7 500	2010-«Асосий ишлаб чиқариши»	0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши»
Илгари ҳисобга олинган, ККСдан озод этилган реализация қилиш айланмасига тўғри келадиган ККС суммасига тузатиш киритилиши акс этитирилган: ҳисобга олинни лозим бўлмаган, ускуна қийматида ҳисобга олинадиган солиқ тикланган	17 775	0130-«Машина ва асбоб-ускуналар»(«ККСга тузатиш киритиш» субсчёти)	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»

Март ойида реализация қилиш айланмаси 310 000 минг сўмни ташкил этган, ш.ж.:

- 24 000 минг сўм – солиқ солинадиган айланма;
- 286 000 минг сўм – солиқ солинмайдиган айланма.

Январь-март ойларидағи айланма ортиб боруечи якун билан 560 000 минг сўмни ташкил этган, ш.ж.:

- 224 000 минг сўм – солиқ солинадиган айланма;
- 336 000 минг сўм – солиқ солинмайдиган айланма.

Корхона бўйича реализация қилиш айланмасининг солиқ солишдан озод этилган улуши ортиб боруечи якун билан 60%ни ( $336\,000 / 560\,000 \times 100$ ) ташкил этган.

Март ойида ускуна бўйича 7 722 минг сўм миқдорида эскириш ҳисобланган, ш.ж.:

- ККСиз ускунанинг соф қийматидан – 7 500 минг сўм ( $600\,000 \times 15\% / 12$ );
- ускуна қийматига киритилган ККС суммасидан – 222 минг сўм ( $17\,775 \times 15\% / 12$ ).

Ускунанинг қолдик (баланс) қиймати 602 553 минг сўмни ( $(600\,000 - 2 \times 7\,500) + (17\,775 - 222)$ ) ташкил этган.

Ускунадан штарапидек солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган айланнамалардо фойдаланилган сабабли март ойида ҳам тузатиш киритилиши лозим.

Тузатишларни ҳисобга олмагандо ускунанинг баланс қийматига тўғри келадиган ККС суммаси 87 750 минг сўмни ( $585\,000 \times 15\%$ ) ташкил этади.

Март ойининг охирда солиқ солинмайдиган айланма улуши 60%ни ташкил этгани сабабли март ойининг охирда қолдик қийматга тўғри келадиган ККС суммасининг 60%, яъни 52 650 минг сўм ( $87\,750 \times 60\%$ ) ҳисобдан чиқарилиши ва келгусида ускуна қийматининг бир қисми тарзида алоҳида субсчётда ҳисоби юритилиши лозим.

Энди 0130-«Машина ва асбоб-ускуналар» счётида («ККСга тузатиш киритиш» субсчёти) 52 650 минг сўмлик сумма акс этитирилиши керак.  $34\,875$  минг сўмлик ( $52\,650 - 17\,775$ ) суммага тузатиш киритилиши керак.

Март ойида бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счёtplар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Амортизация ҳисобланган	7 722	2010-«Асосий ишлаб чиқариши»	0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши»
Илгари ҳисобга олинган, ККСдан озод этилган реализация қилиш айланмасига тўғри келадиган ККС суммасига тузатиш киритилиши акс этитирилган: ҳисобга олинни лозим бўлмаган, ускуна қийматида ҳисобга олинадиган солиқ тикланган	34 875	0130-«Машина ва асбоб-ускуналар»(«ККСга тузатиш киритиш» субсчёти)	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»

Апрель ойида реализация қилиш айланмаси 430 000 минг сўмни ташкил этган, ш.ж.:

- 320 000 минг сўм – солиқ солинадиган айланма;
- 110 000 минг сўм – солиқ солинмайдиган айланма.

Январь-апрель ойларидағи айланма ортиб боруечи якун билан 990 000 минг сўмни ташкил этган, ш.ж.:

- 544 000 минг сўм – солиқ солинадиган айланма;
- 446 000 минг сўм – солиқ солинмайдиган айланма.

Корхона бўйича реализация қилиш айланмасининг солиқ солишидан озод этилган улуши ортиб боруви якун билан 45%ни ( $446\ 000 / 990\ 000 \times 100$ ) ташкил этган.

Апрель ойида ускуна бўйича 8 158 минг сўм миқдорида эскириш ҳисобланган, ш.ж.:

- ККСиз ускунанинг соф қийматидан – 7 500 минг сўм ( $600\ 000 \times 15\% / 12$ );
- ускуна қийматига киритилган ККС суммасидан – 658 минг сўм ( $52\ 650 \times 15\% / 12$ ).

Ускунанинг қолдик (баланс) қиймати 629 270 минг сўмни ( $(600\ 000 - 3 \times 7\ 500) + (52\ 650 - 658 - 222)$ ) ташкил этган. Тузатишларни ҳисобга олмаганде ускунанинг баланс қийматига тўғри келадиган ККС суммаси 86 625 минга сўмни ( $577\ 500 \times 15\%$ ) ташкил этади.

Апрель ойининг охиринда солиқ солинмайдиган айланма улуши 45%ни ташкил этганда сабабли апрель ойининг охиринда қолдик қийматга тўғри келадиган ККС суммасининг 45%, яъни 38 981 минга сўм ( $86\ 625 \times 45\%$ ) ҳисобдан чиқарилиши ва келгусида ускуна қийматининг бир қисми тарзида алоҳида субсчетда ҳисоби юритилиши лозим.

Энди 0130-сүчётида («ККСга тузатиш киритилиши» субсчети) 38 981 минг сўмлик сумма акс этитирилиши керак. Ускуна қийматига ҳисобга олинган ККСга 13 669 минг сўмлик ( $38\ 981 - 52\ 650$ ) суммада камайтириши томон тузатиш киритилиши керак.

Апрель ойида бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счёtplар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Амортизация ҳисобланган	8 158	2010-«Асосий ишлаб чиқариши»	0230-«Машина ва асбоб-ускуналарни эскириши»
ККСдан озод этилган реализация қилиш айланмасига тўғри келадиган ККС суммасига тузатиш киритилиши акс этитирилган: ускуна қийматига киритилган ККС суммасини камайтириш ҳисобига ҳисобга олинниши лозим бўлган ККС суммаси кўпайтирилган	13 669	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	0130-«Машина ва асбоб-ускуналар» («ККСга тузатиш киритилиши» субсчети)



Кўчмас мулк обьектларидан солиқ солинмайдиган ва солиқ солинмайдиган айланмаларда фойдаланилса, тузатиш киритишнинг ушбу варзишни кўллаш уларнинг ўртасида йиллик қолдик қиймати ўзгаришига олиб келади. Шу сабабли юридик шахсларнинг мол-мулкига солинмайдиган солиқ бўйича аниқлаштирилган мәвлумотномаларни тақдим этиши зарурати юзага келади. Тегизинча, солиқ бўйича аеванс тўловларига тузатиш киритилиши керак (СК 417-м. 7-к.).

#### МИСОЛ. ККСга тузатиш киритилиши суммаси ҳаражатларга киритилади

Корхона январь ойида 690 000 минг сўмлик, ш.ж. 15 % ККС – 90 000 минг сўм, ишлаб чиқариш ускунасини харид қилип, фойдаланишга киритди. Ундан ККС солинмайдиган айланмаларда фойдаланишиш кўзланган эди. Январь ойида 200 000 минг сўм миқдоридаги бутун реализация қилиш айланмасига ККС солинган. Харид қилинган ускуна бўйича солиқнинг бутун суммаси ҳисобга олинган.

Январь ойида бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счёtplар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Ускуна келип тушиши акс этитирилган	600 000	0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»	6010-«Мол етказиб беруечилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtplар»
Ускуна бўйича ККС акс этитирилган	90 000	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)»	6010-«Мол етказиб беруечилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtplар»
Ускунанинг фойдаланишга киритилиши акс этитирилган	600 000	0130-«Машина ва асбоб-ускуналар»	0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»

Февраль ойда 50 000 минг сўм миқдоридаги бутун реализация қилиш айланмасига ҚҚС солинмаган. Корхона бўйича реализация қилиш айланмасининг солик солишидан озод этилган улуши ортиб боруви якун билан 20%ни ( $50\ 000 / (200\ 000 + 50\ 000) \times 100$ ) ташкил этган.

Тузатилиши (тикланиши ёки ҳисобга олиниши) лозим бўлган ҚҚС суммасини тўғри аниқлаш учун харажатларга киритиладиган ҚҚС суммасининг алоҳида аналитик ҳисобини юритиш зарур. Реализация қилиш айланмасининг умумий суммасида солик солинмайдиган айланмалар улуши ўзгаришига қараб ушиб ҚҚС суммасига ҳам тузатиш киритилиши керак.

Февраль ойда ускуна бўйича 7 500 минг сўм ( $600\ 000 \times 15\% / 12$ ) миқдорида эскириш ҳисобланган. Тегишинча, ускунанинг қолдик (баланс) қиймати 592 500 минг сўмни ( $600\ 000 - 7\ 500$ ) ташкил этган.

Ундан солик солинмайдиган айланмаларда фойдаланила бошлагани сабабли февраль ойининг охирда январь ойда ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилиши (қисман тикланниши) позим.

Февраль ойининг охирда ускунанинг баланс қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммаси 88 875 минг сўмни ( $592\ 500 \times 15\%$ ) ташкил этади.

Энди ушиб сумманинг (88 875 минг сўм) қайси қисмига тузатиш киритилиши (тикланиши ёки ҳисобга олиниши позим бўлган суммадан чегирлиши) позимлигини аниқлаймиз. У календоръ ўшل давомида ортиб боруви якун билан ҳисобланган умумий реализация қилиш айланмайдиган солик солинмайдиган айланма улушидан келиб чиқиб аниқланади.

Февраль ойининг охирда солик солинмайдиган айланма улуши 20%ни ташкил этганни сабабли февраль ойининг охирда қолдик қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммасининг 20%, яъни 17 775 минг сўм ( $88\ 875 \times 20\%$ ) ҳисобдан чиқарилиши ва харажатларга киритилиши позим.

Февраль ойда бухгалтерия ҳисобида қуидаги ёзувлар қайд этилган:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Счёtplar корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Амортизация ҳисобланган	7 500	2010-«Асосий ишлаб чиқариши»	0230-«Машина ва асбоб-ускунапарнинг эскириши»
Илгари ҳисобга олинган, ҚҚСдан озод этилган реализация қилиш айланмасига тўғри келадиган ҚҚС суммасига тузатиш киритилиши аks этилрилган; ҳисобга олиниши позим бўлмаган солик тикланган ва харажатларга киритилган	17 775	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	4410-«Бюджетга солиқлар, ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўйнак тўловлари (турлари бўйича)»

Март ойда реализация қилиш айланмаси 310 000 минг сўмни ташкил этилган, ш.ж.:


- 24 000 минг сўм – солик солинадиган айланма;
- 286 000 минг сўм – солик солинмайдиган айланма.

Январь–март ойларидаги айланма ортиб боруви якун билан 560 000 минг сўмни ташкил этилган, ш.ж.:

- 224 000 минг сўм – солик солинадиган айланма;
- 336 000 минг сўм – солик солинмайдиган айланма.

Корхона бўйича реализация қилиш айланмасининг солик солишидан озод этилган улуши ортиб боруви якун билан 60%ни ( $336\ 000 / 560\ 000 \times 100$ ) ташкил этган.

Март ойда ускуна бўйича 7 500 минг сўм ( $600\ 000 \times 15\% / 12$ ) миқдорида эскириш ҳисобланган. Тегишинча, ускунанинг қолдик (баланс) қиймати 585 000 минг сўмни ( $600\ 000 - 2 \times 7\ 500$ ) ташкил этилган.



## РЕКЛАМА



# «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этимиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Галимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

### III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

#### 1-ВАЗИЯТ

##### Үриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль ойида эса 850 000 сўм иш ҳақи тўлланган.

Солиқ имтиёзини кўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса – яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқарни чогига амалга оширилади (Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми).

Январь-февраль ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиласми:

1 650 000 x 12% = 198 000 сўмга тенг.

Январь ойида 96 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Февраль ойи учун солиқ суммаси 102 000 сўмга (198 000 – 96 000) тенг.

Январь-февраль ойлари учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар 1 650 сўмни (1 650 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь ойида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 800 сўмни, февраль ойида эса 850 сўмни (1 650 – 800) ташкил этади.

Февраль ойи учун бюджетта 101 150 сўм (102 000 – 850) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 748 000 сўм (850 000 – 102 000) иш ҳақи олади.

#### 2-ВАЗИЯТ

##### Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаши тарзида даромади январь ойи учун 1 100 000 сўмни, февраль ойи учун эса 1 200 000 сўмни ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида ёсилашсан, майдони 50 кв.м бўлган турар ёки биносини 1 январдан бошлаб ижарага берини тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олади.

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиши ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (9.12.2019 ўйлабги ЎРҚ-589-сон Қонунга 12-шлова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувида шаҳарларда – 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 500 сўм белгиланган.

□ ШЖБПХга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-хукукий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзида даромадлар мулкий даромад бўлгандилиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПХга ажратмалар қилинмайди.

Ижара ҳақидан ЖШДС суммасини ҳисоблаймиз. Мазкур ҳолатда энг кам ижара ҳақи суммаси 600 000 сўмни (12 000 x 50) ташкил этади, у ҳақиқатдаги ижара ҳақидан камлиги боис шартномада назарда тутилган суммадан солиқ ҳисобланади:

1 500 000 x 12% = 180 000 сўм.

Январь-февраль ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

2 300 000 x 12% = 276 000 сўм.

Январь ойида 132 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Февраль ойи учун солиқ суммаси 144 000 сўмга (276 000 – 132 000) тенг.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар 1 200 сўмни (1 200 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь ойида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 1 100 сўмни, февраль ойи учун 1 200 (2 300 – 1 100) ташкил этади.

Февраль ойи учун бюджетта 142 800 сўм солиқ (144 000 – 1 200) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 2 376 000 сўм иш ҳақи (1 200 000 + 1 500 000 – 144 000 – 180 000) тўланаиди.

Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизимиз Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.



## 2020 ЙИЛНИНГ ФЕВРАЛЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ

# УСЛУБИЯТИ\*

Февраль ойида иш соатлари сони:

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 160;  
6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 165;  
36 соатлик иш ҳафтасида – 150.

Иш кунлари сони:

5 кунлик иш ҳафтасида – 20;  
6 кунлик иш ҳафтасида – 25.

□ Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендер ва фоизлар кўришишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 381-моддаси).

□ 2019 йил 1 сентябрдан межнатга оид муносабатлар соҳасида юллашашучун ЭКИХ ўрнига межнатга ҳак тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭКМ) жорий этилди. Янеаръ ойида МҲЭКМ 634 880 сўмни (3.12.2019 йилдаги ЎРК-586-сон Конуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), 1 февралдан эса 679 330 сўмни (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорининг 7-банди).

□ 2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПХга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорининг 5-банди).

□ Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғарип бориладиган пенсия ҳисобверақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

### I. АНЪНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль ойида эса – 1 170 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь-февраль ойларидаги жами даромади – 2 270 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000).

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:

2 270 000 x 12% = 272 400 сўмга тенг.

Январь ойида 132 000 сўм ушлаб қолинган. Февраль ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (272 400 – 132 000) тенг.

Февраль ойи учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 2 270 сўмни (2 270 000 x 0,1%) ташкил қиласди.

Январь ойи учун ШЖБПХга 1 100 сўм ўтказилган, февраль ойи учун ажратмалар 1 170 сўмни (2 270 – 1 100) ташкил этади.

Февраль ойи учун бюджетта 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

\*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услугубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1328)-сонида чоп этилган.

## II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

### 1-ВАЗИЯТ

**Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз кўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

**Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг январь ойидаги меҳнат ҳаки 1 800 000 сўмни, февраль ойида эса – 1 920 000 сўмни ташкил қилди. Январь-февраль ойлари учун жами даромад – 3 720 000 сўм (1 800 000 + 1 920 000).**

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган иккι ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қилимиз:

$$3 720 000 - ((634 880 \times 1,41) + (679 330 \times 1,41)) = 1 866 963,9 \text{ сўмга тенг.}$$

Январь-февраль ойлари учун соликни ҳисоблаб ёзамиз:

$$1 866 963,9 \times 12\% = 224 035,67 \text{ сўм.}$$

Январь ойида 108 578,3 сўм солик ушлаб қолинган. Февраль ойи учун солик суммаси 115 457,37 сўмга (224 035,67 – 108 578,3) тенг.

Январь-февраль ойлари учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар 1 866,96 сўмни (1 866 963,9 x 0,1%) ташкил қиласди. Январь ойида ШЖБПХга 904,82 сўм ўтказилган, февраль ойи учун ажратмалар 962,14 сўмни (1 866,96 – 904,82) ташкил қиласди.

Бюджетта 114 495,23 сўм (115 457,37 – 962,14) ЖШДС ўтказилади.

Ходим кўлига 1 804 542,63 сўм (1 920 000 – 115 457,37) иш ҳаки олади.

### 2-ВАЗИЯТ

**Имтиёз суммаси даромаддан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби**

**Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль ойида эса – 850 000 сўмдан ҳак тўланган. Январь-февраль ойлари учун жами даромад – 1 650 000 сўм.**

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган иккι ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-февраль ойлари учун солик солинадиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

$$((634 880 \times 1,41) + (679 330 \times 1,41)) = 1 853 036,1 \text{ сўм.}$$

Ходимнинг даромади (1 650 000 сўм) имтиёз суммасидан (1 853 036,1 сўм) кам бўлганинги сабабли январь-февраль ойлари учун солик ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим кўлига 850 000 сўм иш ҳаки олади.

### 3-ВАЗИЯТ

**Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

**Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль ойида эса 1 500 000 сўм ҳак тўланган.**

**Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.**

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган куйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майбўн бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соглиқка бошқача шикаст этганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; кишоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблаглар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинадиган.

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

$$(634 880 \times 4,22) = 2 679 193,6 \text{ сўм.}$$

Солиқ солинадиган даромад 3 020 806,4 сўмга (1 400 000 + 2 800 000 – 2 679 193,6 + 1 500 000) тенг.

Январь-февраль ойлари учун соликни ҳисоблаб ёзамиз:

$$3 020 806,4 \times 12\% = 362 496,77 \text{ сўм.}$$

Январь ойида 182 496,7 сўм солик ушлаб қолинган. Февраль ойида солик суммаси 180 000 сўмни (362 496,77 – 182 496,77) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 3 020,8 сўмни (3 020 806,4 x 0,1%) ташкил этади.  
Январь ойида ШЖБПХга ажратмалар 1 520,81 сўмни, февраль ойида 1 500 сўмни (3 020,8 – 1 520,81) ташкил этади.  
Февраль ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.  
Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳаки опади.

## 4-ВАЗИЯТ

### Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль ойида эса 1 600 000 сўм иш ҳаки тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик маший техника совға қилинди.

□ Солик кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солик солинмайди ( $634\ 880 \times 2,11 = 1\ 339\ 596,8$  сўм).

Солик солинадиган даромад 3 760 403,2 сўмга ( $1\ 500\ 000 + 2\ 000\ 000 - 1\ 339\ 596,8 + 1\ 600\ 000$ ) тенг.

Январь-февраль ойлари учун солики ҳисоблаб ёзамиш:

3 760 403,2 x 12% = 451 248,38 сўм.

Январь ойида 259 248,38 сўм солик ушлаб қолинган. Февраль ойида солик суммаси 192 000 сўмни ( $451\ 248,38 - 259\ 248,38$ ) ташкил этади.

Январь-февраль ойлари учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 3 760,4 сўмга ( $3\ 760\ 403,2 \times 0,1\%$ ) тенг.

Январь ойида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 2 160,4 сўмни, февраль ойида 1 600 сўмни ( $3\ 760,4 - 2\ 160,4$ ) ташкил этди.

Февраль ойида бюджетга 190 400 сўм ( $192\ 000 - 1\ 600$ ) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 408 000 сўм ( $1\ 600\ 000 - 192\ 000$ ) иш ҳаки опади.



## 5-ВАЗИЯТ

### Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби

Солик кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль ойида эса 1 600 000 сўм иш ҳаки тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтиши муносавати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.

Кўйидагиларга мувофиқ:

□ Солик кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳукуқига эга бўлган ходимнинг солик солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма ( $634\ 880 \times 1,41 + 679\ 330 \times 1,41 = 1\ 853\ 036,1$  сўм) чиқариб ташланади;

□ Солик кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача ( $634\ 880 \times 4,22 = 2\ 679\ 193,6$  сўм) миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди;

□ Солик кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари ( $634\ 880 \times 2,11 = 1\ 339\ 596,8$  сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солик солинадиган даромадни аниқлаймиз:

3 100 000 – 1 853 036,1 + 3 000 000 – 2 679 193,6 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 2 228 173,5 сўм.

Январь-февраль ойлари учун солики ҳисоб-китоб қиласими:

2 228 173,5 x 12% = 267 380 сўм.

Январь ойида 190 323,46 сўм солик ушлаб қолинган. Февраль ойида солик суммаси 77 057,36 сўмни ( $267\ 380,8 - 190\ 323,46$ ) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 2 228,17 сўмни ( $2\ 228\ 173,5 \times 0,1\%$ ) ташкил этади.

Январь ойида ШЖБПХга мажбурий бадаллар 1 586,17 сўмни ( $2\ 228\ 173,5 \times 0,1\%$ ) ташкил этган.

Январь ойида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 1 586,03 сўмни, февраль ойида 642,14 сўмни ( $2\ 228,17 - 1\ 586,03$ ) ташкил этади.

Бюджетга 76 415,22 сўм ( $77\ 057,36 - 642,14$ ) солик ўтказилади.

Ходим қўлига 1 522 942,64 сўм ( $1\ 600\ 000 - 77\ 057,36$ ) опади.

## ЧЕТ ЭЛЛИК ХОДИМЛАРНИ ЖАЛЬ ЭТИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

**?** Нодавлат таълим миассасаси айланмадан олинадиган соликин тўлайди. Лондондаги лекторлар (Буюк Британия фуқаролари) табалаларни масофадан туриб онлайн-ўқитиши хизматларини кўрсатадилар. Чет эллик лектор фуқаролик-хукукий тусдаги шартнома (ФХШ) бўйича масофадан туриб онлайн-машгуотлар ўтказиш учун жалб этилган тақдирда, қандай солик оқибатлари юзага келиши мумкин?

### Ижтимоий солик

Лекторларга фуқаролик-хукукий тусда тузилган шартномалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад сифатидаги тўланадиган иш ҳақига корхонангиз учун белгиланган ставка бўйича ижтимоий солик солинади (СК 403-м.). Солик ставкалари СКнинг 405-моддасида белгиланган.

### Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги

Ўзбекистондаги манбалардан даромад олувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг даромадлари-

га тўлов манбаида солик солинади (СК 364, 365, 386-388-м.).

Солик тўловчининг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари, ҳақиқатда даромадлар олинган санадиги ЎзР Марказий банкининг курси бўйича миллий валутага кайта хисоб-китоб килинади (СК 366-м. 3-к.).

Ўзбекистон норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларга солик агентлари томонидан солик базаси ҳамда белгиланган ставқадан келиб чиқсан ҳолда ЖШДС солинади (СК 388-м. 3-к.).

Ташкилотингизда чет эллик лектор томонидан тақдим этилган Буюк Британия резидентлиги тўғрисидаги сертификат мавжуд бўлмаса, лектор - ЎзР норезидентининг меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-хукукий тусдаги шартномалар бўйича олган даромадларига 20%лик ставкада солик солинади. Солик агентлари солик тўловчининг даромадларидан хисобланган солик суммасини ушлаб қолиши шарт (СК 382-м., 388-м. 4-к.).

Буюк Британия резидентлиги тўғрисидаги сертификат мавжуд бўлса, ҳалкар шартномалар нормали кўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Буюк

Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Кироллиги томонидан Иккисиёлами солик солинишига йўл кўймаслик ҳамда даромад солигини тўлашдан бош тортиси ва капитал кўймати ўсишининг олдини олиш тўғрисидаги конвенция (Тошкент, 15.10.1993 йил, 10.06.1994 йилдан кучга кирган) имзоланган.

Ахдлашувчи тарафлардан бирининг резидентига ёлланиб ишлаш бўйича тўланган маош ва мукофот пулларига, агар ёлланиб ишлаш бошка ахдлашувчи давлатда амалга оширилмаган бўлса, факат ушбу давлатда солик солинади. Шу тарзда бошка давлатда ёлланиб ишланган тақдирда, шу муносабат билан тўланадиган мукофот пулла га ўша бошка давлатда солик солинади (Конвенциянинг 15-моддаси).

### Изоҳ:

Резидентлар сертификатига бўлган тараба СКнинг 358-моддасида белгиланган. ККС бўйича солик оқибатлари юзага келмайди, сабаби норезидентлар бўлган жисмоний шахслар ККС тўловчилар деб эътироф этилмайди (СК 237, 278-м.).

Замира ЖЎРАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## ННТда АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ

**?** Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) балансида аъзолик бадаллари ҳисобига олинган асосий воситалар мавжуд. Янги таҳрирдаги Солик кодексига мувофиқ ННТ бадаллар ҳисобига олинган асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди. 1. ННТ аъзолик бадаллари ҳисобига олинган асосий воситаларга амортизация ажратмаларини тўхтатишни зарурми? 2. Солик кодексидаги амортизация ажратмаларига доир ўзгартиришларни ҳисоб сиёсатида ақс этишини лозимми?

1 ННТ томонидан аъзолик бадаллари ҳисобига олинган ва нотижорат фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган асосий воситалар амортизация килинмайди (СК 306-м. 2-к. 10-б.). Мазкур норма фойда солини солиш мақсадида белгиланган.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун кўйидагилар амортизация килинмайди:

а) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошка объекtlар (сув, ер ости бойликлари ва бошка табиий ресурслар);

б) маҳсулдор чорва моллари;

в) ахборот-кутубхона фонди;

г) конун хужжатларida белгилangan тартибида консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

д) музей ашёлари;

е) маддий маданий мерос объекtlари;

ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат хокимиyati органлari тасарруfida бўлган ободлонлаштириш иншиотлари;

з) тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар (AB томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БХМСнинг 35-банди).

Яъни ННТ бухгалтерия ҳисобида 5-сон БХМСнинг 35-бандидан сабаб ўтилганлардан ташқари, барча АВлар бўйича амортизация ҳисобланади.

ННТнинг устав фаолиятида фойдаланиладиган АВ амортизация ҳаражатлари максадли маблағлар ҳисобидан амалга оширилади ва улар молиявий натижаларни шакллантириша, шунингдек фойда солиги бўйича солик солинадиган базани аниqlашда иштирок этмайди. Операция кўйидаги бухгалтерия проводкалари орқали ақс этирилади:

Дт 8830-«Аъзолик бадаллари»

Кт 0200-«Аъзолик бадаллари ҳисобидан харид килинган ёки аъзолик бадали сифати олинган асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счёtlар».

2 Ҳа. корхона бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ҳисоб сиёсатидан ташқари, СКнинг 77-моддасига мувофиқ солик солинишида ҳисоб сиёсатини ҳам ишлаб чиқиши шарт. Унда солик солишига доир ҳисобга олинган ўзига хос жиҳатлари ақс этирилиши лозим.

## ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯ: КИМЛАР ТАҚДИМ ЭТАДИ

**?** ЎзР резиденти бўлган жисмоний шахс 2019 йилда асосий иш жойида меҳнат шартномаси бўйича ва яна иккита жойда ФХШ бўйича ишлаган.

У солик инспекциясига жами ишллик даромади тўғрисида декларация тақдим этиши лозимми?

— Декларация асосида солик солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг кўйидаги даромадлари киради (2007 йилги таҳрирдаги СК 189-м. 1-к.):

• мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солик солинмаган бўлса;

• фан, адабиёт ва санъат асарларини яраттилар ҳамда улардан фойдалантиришни учун муалиффлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

• асосий бўлмаган иш жойидан олинган маддий наф тарзидаги даромадлар;

• ЎзР худудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

• солик агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Юқорида санаб ўтилган ЎзРдан ташқаридаги манбалардан ва солик агентлари ҳисобланмаган манбалардан олинган даромадларга факат декларация асосида солик солинади. Асосий бўлмаган

ишидидан олинган даромадларнинг бошка турларидан ЖШДС ушлаб колинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилимайди (2007 йилги таҳрирдаги СК 181-м. 2-к.).

2 ва ундан кўп манбадан олинган, солик солиниши лозим бўлган даромадлар декларация асосида солик солинмаган бўлса;

• фан, адабиёт ва санъат асарларини яраттилар ҳамда улардан фойдалантиришни учун муалиффлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

• асосий бўлмаган иш жойидан олинган маддий наф тарзидаги даромадлар;

• ЎзР худудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

• солик агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Бинобарин, жисмоний шахснинг асосий иш жойи ва ФХШ бўйича олган даромадларига ЖШДС солинган бўлса бекор килинган. ЎзР резиденти бўлган жисмоний шахснинг даромадларига, бундан дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлар мустасно, 12%лик ставка бўйича солик солинади (2007 йилги таҳрирдаги СК 181-м.).

Бинобарин, жисмоний шахснинг асосий иш жойи ва ФХШ бўйича олган даромадларига ЖШДС солинган бўлса, ишллик жами даромадлари тўғрисида декларация тақдим этилиши шарт эмас.

Азизахон ТОШХУЖАЕВА, Norma МЧЖ эксперти.

## ҚҚС – ЧЕГИРИЛАДИГАН ХАРАЖАТ

2019 йилда ҳисобга олинмайдыган ҚҚС юзага келди (мутаносиб усулда ҳисоблашада) ва корхона харажатларига киритилди.  
2019 ва 2020 йилларда ҚҚС тарздаги бундай харажат чегирилмайдыган харажат ҳисобланады?

– 2019 ва 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси норезиденти ва бошқа шахслар учун тўланган соликлар, шунингдек текширув натижалари бўйича кўшимча ҳисобланган соликлар чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (2007 йилги таҳрирдаги СК 145-м. 21-б.; янги таҳрирдаги СК 147-м. 14, 15-б.; янги таҳрирдаги СК 317-м. 11, 12-б.).

## ХОДИМЛАРГА СОВГАЛАР ВА ҚҚС

Корхона ҚҚС билан ходимларга совгалар харид қилди. Солик ҳисобга олинмайди, балки ходимларга берилган совгаларнинг таннахига киритилди.  
Ходимларга ва бошқа шахсларга бериладиган совгаларнинг қиймати фойда солигини ҳисоблашда чегирилмаган, ҚҚС эса совгаларни харид килиши чоғида ҳисобга киритилмаган бўлса, уларни берисида ҚҚС солинадими?

– Ҳа, ходимларга ва бошқа шахсларга бериладиган совгаларга ҚҚС солинади. Корхона совгаларни харид килиши чоғида ҳисобга олишга ҳақлиди.

Корхона совгалар харид килиб, улардан ўз эҳтиёжи учун фойдаланмайди. Ҳада қилишида мулк ҳуқуки ҳам ўтади, бу эса реализация килиш деб эътироф этилади (СК 46-м. 2-к.). Товарни белуп бериш, бундан шундай бериш иктиносиди жиҳатдан ўзини оқлайдиган ҳоллар мустасно, товарларни реализация килиш бўйича ҚҚС солинадиган айланма ҳисобланади (СК 239-м. 1-к. 2-б.).

Тегишинча, солик солинадиган айланма максадида фойдаланиладиган товарларни (сизнинг ҳолатда совгаларни) харид килиши чоғида корхона

бундай товарлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли бўлади. Ҳада қилишда эса корхона томонидан ҚҚС ҳисобланади ва тўланади.

Корхона товарларни харид килишда етказиб берувчига тўланган ҚҚСни ҳисобга олмаган ва у совгаларнинг таннахига киритилган бўлса, уларни бериш товарларни (хизматларни) реализация килиши бўйича ҚҚС солинадиган айланма ҳисобланмайди (СК 239-м. 4-к. 6-б.).



## МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИ ЭКСПОРТИДА ҚҚС

ҚҚС тўловчи корхона ЎзР худудида хорижий ҳамкорига маркетинг хизматларини кўрсатади. Хорижий ҳамкор ЎзР резиденти ҳисобланмайди ва доимий муассасага эга эмас.  
Норезидентга маркетинг хизматларини реализация килишида ҚҚС қандай тўланади ҳамда маркетинг хизматлари кўрсатилганини муносабати билан харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС қандай ҳисобга олинади?

– Корхонангиз томонидан Ўзбекистонда ДМга эга бўлмаган ЎзР норезидентига маркетинг хизматларини реализация килиши жойи Ўзбекистон ҳисобланмайди (СК 241-м. 1-к.). Тегишинча, корхонангиз ҳисобварак-фактурани ҚҚСиз тақдим этиди (Тартиб, З-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ўзбекистон Республикаси худуди реализация килиши жойи деб эътироф этилмайдиган хизматларни кўрсатув-

чи ЎзР юридик шахслари СК 37-бобида белгиланган тартибида ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқукига эга. Бунда ҳисобга олиш мақсадида ушбу хизматларни реализация килиши бўйича айланма солик солинадиган айланмага тенглashingтирилади (СК 266-м. 2-к.).

Замира ЖўРАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

Умумбелгиланган соликларни тўловчи туристик фирма туристик хизматларни экспорт қилиши билан шугулланади. Ўзбекистонда чет эллик соликлар учун турлар ташкиллаштиради. Турлар учун ҳақ чет эл валютасида тўланади. Туристик хизматларни экспорт қилишдан тушадиган тушум улуши жами даромаднинг 15%идан кўпроқни ташкил этиади.

Ўзбекистон худудида туристик хизматлар кўрсатилган тақдирда, туристик хизматларни экспорт қилишида ҚҚС бўйича айланма ҳосил бўладими?

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА ҚҚС

– Реализация килиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация килиш бўйича айланма солик солиш обьекти ҳисобланади (СК 238-м. 1-к. 1-б.).

Туризм соҳаси хизматлари ҳақиқатан ҳам ЎзР худудида кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон хизматларни реализация килиш жойи деб эътироф этилади (СК 241-м. 3-к. 3-б.).



Бинобарин, чет эллик соликлар учун Ўзбекистон худудида туристик хизматлар кўрсатилганда ҚҚС солинадиган хизматларни реализация килиши бўйича айланма ҳосил бўлади. ҚҚС ставкаси 15% миқдорини ташкил этиади (СК 258-м. 1-к.).

## ТЕЛЕКАНАЛЛАР ТРАНСЛЯЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА ҚҚСНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Улгуржи савдо корхонаси умумбелгиланган соликларни тўлайди. Корхонага кираверишида телевизор кўйилган, у трансляция бўйича хизматларни етказиб берувчига («Uzdigital TV» МЧЖ) уланган. Корхона мизозлари хужжатлар, товар ва бошқаларни олиши кутиши асносида телевизор кўриб турасилар. Трансляция бўйича хизматларни етказиб берувчи ҚҚС тўловчи ҳисобланади ва ўз хизматлари учун 15%лик ҚҚС билан ҳисобварак-фактураларни тақдим этиади. Телевизорни корхона мизозлари кўришига қарамай, корхона етказиб берувчининг ҳисобварак-фактурасида кўрсатилган суммани ҳисобга олиши мумкини?

– Телевизор кираверишида ўрнатилган, корхона мизозлари ўз навбати килишини кутиб, намойишларни кўрадилар. Бу холат корхона фаолиятини яхшилашига, сотувлар ҳажмини оширишига ишончнингиз комил бўлса, корхона телеканалларни трансляция килиши хизматлари бўйича ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин. Телеканаллар трансляцияси бўйича ҚҚС солинадиган хизматлардан корхона фаолиятини амалга оши-

риш учун фойдаланилса, ушбу хизматлар бўйича ҚҚС ҳисобга олинади (СК 266-м. 1-к. 1-б.).

Бирок ушбу харажатларни вакиллик харажатлари деб эътироф этиш эҳтимоли юқоридир. Вакиллик харажатлари бўйича ҚҚС ҳисобга олинадими (СК 267-м. 1-к. 5-б.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## ЭЪЛОН

“Surxondayro mulk markazi” МЧЖ бошлигинч баҳоси боекичма-боекич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоносига тақлиф этиади!

Савдо Сурхондарё вилояти ОИТСга қарши кураш марказига тегишли Термиз шаҳар, Ибн Сино кўчаси, 2-йуда сакланадиган, CHEVROLET DAMAS русумли д/р 75/765 DAA бўлган 2004 йилда ишлаб чиқарилган бошлигинч баҳоси – 7 488 000 сўм бўлган, техник ҳолати таъмиргалаб автотранспорт кўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 27 марта савт 11.00дан бошлиб ўтказилади. Аризалар расмий ишни куналири соят 10.00дан 16.00 гача кабул килинади (13.00дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни кабул қилишининг охирги муддати: 2020 йил 25 марта савт 18.00.

Савдо голими деб топилган шахстя 10 кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тушини мажбурияти юқлатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилгандаги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнинг тақдим этилади. Тадабборлар савдо ташкилоччиси билан тузиладиган закалат келинингизга асоссан мулк бошлигинч баҳосининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулни “SMM” МЧЖнинг ХАБ “Грест банк” Термиз филиалинадаги кўйидаги ҳисобракамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729. Ариза (талабнома)ларни кабул килиши ва савдо ўтказилиши манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Баркамол авлод кўчаси, 19-й. Телефон: (0376) 223-15-82, 972-сонли гуваҳнома.

## ШАХСИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ МЕДИКАМЕНТЛАР

Қанд қасалиман. Сўнгги вактларда дорихоналарда OneTouch Select глюкометри учун тест-полоскалар сотиб олиш қийинлашиди. Менга ёрдам берадиган Янумет препаратини ҳам бизда топиб бўлмайди. Яқинда Қозогистонга бораман, у ердан олиб келмоқчиман. Сотии учун эмас, шахсий фойдаланиши учун хориждан олиб келиниша дори воситаларининг миқдори ва помланишига доир бирор-бир чекловлар борми?

— Мамлакатимизда бўлиш даврида шахсий фойдаланиши, шунингдек тибиёт муассасаси томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатма асосида, даволаш курси доирасида даволаш учун мўлжалланган бўлса, жисмоний шахсларга дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказмасдан ҳамда божхона расмийлаштирувчисиз олиб киришга рұксат берилади (*Низомнинг 3-банди, ВМнинг 8.06.2016 йилдаги 191-сон қарори билан тасдиқланган*).

Жисмоний шахслар яшаш ёки бўлиш мамлакати тибиёт муассасаси томонидан берилган хужжат тақдим этилмасдан турли номдаги 10 тагача дори препаратларидан иборат бўлган ва уларнинг ҳар бири учун 5 ўрамдан ортиқ бўлмаган дорои воситаларини, шунингдек 5 бирликдан ортиқ бўлмаган тиббий буюмларни шахсий фойдаланиш учун олиб кириши мумкин.

Бунда бир ўрамда қуйидагича таркиб бўлиши керак: каттиқ (таблеткалар, дражелар, гранулалар, кукунлар, капсулалар) дори шакллари учун – 100 бирликдан ортиқ эмас; эритма тайёрлаши учун кўйланиладиган кукунлар учун – 500 граммдан ортиқ эмас; гранула шаклдаги гомеопатик дори воситалари учун – 50 граммдан ортиқ эмас; инфузион эритмалар ва орал (офиз орқали) кўйланиладиган эритмалар учун – 500 миллилитрдан ортиқ эмас; инъекциялар учун эритмалар – 10 ампулдан ёки 10 фланкондан ортиқ эмас; ташки дорилар учун – 200 миллилитрдан ёки 200 граммдан ортиқ эмас.

Этиборли бўлинг, дорои воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчининг ўрамиди бўлиши керак (*Низомнинг 5-банди*).

Дорои воситаларини юкорида кўрсатилган меъсролардан ортиқ миқдорда олиб киришда жисмоний шахсий фойдаланиши учун олиб кириши мумкин.



лар ўтказиш пунктларида божхона органларига бўлиш ёки яшаш мамлакатининг тибиёт муассасасидан учун мўлжалланган дорои воситасининг номини, унинг доривор шаклнини ва даволаш курсига тавсия килинган миқдорини кўрсатган ҳолда муайян жисмоний шахсга берилган хужжатни тақдим этишлари лозим (*Низомнинг 6-банди*).

Шу билан бирга жисмоний шахслар шахсий фойдаланиши учун таркибида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган дорои воситаларини ВМнинг 12.11.2015 йилдаги 330-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ олиб киришлари мумкин (*Низомнинг 8-банди*).

Яшаш ёки бўлиш мамлакатининг тибиёт муассасаси томонидан берилган, даволаш курсининг тавсия этиладиган сони кўрсатилган тегиши хужжат тақдим этилиши керак (*Низомнинг 12-банди*).

Тибиёт муассасаси томонидан берилган хужжатда ва божхона органига билдирилган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар номлари ва сонидан ортиқ бўлган тақдирда ортиқчаси олиб кўйилиши ва белтиланган тартибида йўқ килиниши керак (*Низомнинг 14-банди*).

Бунда импорт килувчи товарларни декларацияни кишиларни тақдирда, божхона тўловларини тўлашда тегиши имтиёздан фойдаланиши мумкин бўлади (*БКнинг 300-моддаси*).

- божхона расмийлаштируви учун йигим – олиб кириладиган товарлар кийматининг 0,2%, бироқ 25 АҚШ долларидан кам эмас ва 3 000 АҚШ долларидан кўп эмас (*Ставкалар, ВМнинг 30.04.1999 йилдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган*).

Бунда импорт килувчи товарларни декларацияни кишиларни тақдирда, божхона тўловларини тўлашда тегиши имтиёздан фойдаланиши мумкин бўлади (*БКнинг 300-моддаси*).

Бинобарин, Эркин савдо режимини назарда тутивчи битимлар имзоланган эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги битимнинг иштирокчилари бўлган давлатларда ишлаб чиқарувчи ва олиб келинувчи товарларга божхона божи солинмайди (*Рўйхат, АВ томонидан 8.04.1998 йилда 429-сон билан рўйхатдан ўтказилган*). Кирғизистон Республикаси – ана шу Битим иштирокчиси бўлмиш давлатлардан хисобланади.

Товарнинг муайян мамлакатда ишлаб чиқарилганлигини унинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат тасдиқлайди. Ушбу хужжат товарнинг муайян мамлакатда ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлайди, экспорт ёки реэкспорт килувчи мамлакатда белгиланган тартиб ва шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан, шу жумладан, электрон шаклда берилади (*БКнинг 363-моддаси*).

Божхона тўловларини хисоблаш учун асос бўлиб БК ва Ўзбекистон Республикаси божхона худудига олиб кириладиган товарнинг божхона кийматини аниқлаш бўйича йўрикномага (*АВ томонидан 13.01.1998 йилда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) мувофиқ божхона расмийлаштирувида декларант ёки божхона брокери томонидан божхона органига маълум килинадиган божхона киймати хисобланади.

**Маълумот учун.** Президентнинг 12.04.2018 йилдаги ПФ-5414-сон Фармонига мувофиқ, ташки иктиносиди фаолият иштирокчилари божхона юқ декларацияларини Йильтарни тармоги орқали реал вақт режисимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиши ҳуқуқига эга. Ушиб тартиб-таомил Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом (*ВМнинг 31.07.2018 йилаги 605-сон қарорига I-илюва*) билан тасдиқланган.

Товарларнинг, шу жумладан, электрон шаклда божхона расмийлаштируви хизмат кўрсатувчи

банклар (газначиликлар) томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида тўловчининг шахсий хисобраками бўйича божхона тўловлари тўланганини тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади (божхона тўловларини тўлаши кечиширилши ёки бўйиб-бўйиб тўлашса рұксат берилши ҳоллари бундан мустасно).

Рұксат этиши хусусиятига эга тегиши хужжатлар бўйича импорт килинадиган товарга нисбатан божхона органларининг ахборот тизимида бундай хужжатларнинг мавжудлигини божхона органи мустақил равишда текширади (*БКнинг 57-моддаси*).

**Маълумот учун.** ДБКнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рұксат берувчи тусдаги тегиши ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, давлат божхона хизмати органлари божхона расмийлаштирувирад этиши ҳуқуқига эга.

Товар ва автотранспорт воситаларини олиб ўтишда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

- импорт божхона божи (*Ставкалар, 29.09.2019 йилдаги ПК-3303-сон қарорига I-илюва*);
- импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларга акциз солиги (*СКнинг 283-моддаси*);
- КҚС – солик солинадиган базанинг 15% (*СКнинг 258-моддаси*);

«Божхона» бўлимини маҳсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

# 2020 ЙИЛДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ

**?** Бизнинг МЧЖ 2020 йилда чет эл ташкотининг доимий муассасаси билан тайёр маҳсулот етказиб берши (мамлакат ичидаги экспорт қилиши) бўйича валиюта шартномасини тузмоқчи. ДМ қарз маблаглари шитирокидаги лойиҳа қатнашчиси сифатида 2021 йилга қадар ККС тўлашдан озод этилган. Президентнинг ПК-1731-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ шартнома экспорт шартномасига тенглаштирилади ҳамда биз фойда солиги бўйича имтиёзни ва ККС бўйича ноль даражали ставкани кўллашига ҳақлимиш.

1. ДМга валиюта эвазига товарларни етказиб берувчи корхона 2020 йилда ККСнинг ноль даражали ставкасини кўллаши мумкиниш?

2. Халқаро молиявий институтлар иштирокидаги лойиҳалар доирасида реализация қилинадиган товарлар бўйича ККСдан озод этишини кўллашимиз зарурми ёки ККСнинг ноль даражали ставкасини кўлласасек ҳам бўладими?

3. Бизнинг МЧЖ ушбу ДМга товарларни етказиб берши бўйича ККС тўлашдан озод этилган бўлса, кирувчи ККСни ҳисобга олини мумкиниш?

4. 2020 йилда фойда солиги бўйича имтиёзни кўллаши мумкиниш?

— Президентнинг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чоратадибўлар тўғрисида»ги қарори (26.03.2012 йилдаги ПК-1731-сон) айни пайтда амал килмоқда ва унда амал қилиши муддати бўйича чекловлар мавжуд эмас. Қарорда маҳаллий корхоналарга ЎзР ҳудудида фойдаланиши назарда тутилган ўзлари эгаси бўлган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валиютада шартномалар тузиш хукуки берилганлиги қайд этилган. Кўрсатиб ўтилган шартномалар экспорт қилувчи корхоналардек солик имтиёзлари берилган ҳолда экспорт шартномаларни тенглаштирилади (ПК-1731-сон қарорининг 5-банди).

Илгари қабул килинган Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида тақдим этилган солик имтиёзларини 2020 йилда кўллаша тўғрисидаги масалаларни ҳал этишида кўйидаги хужжатларда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобга олиниши лозим:

2007 йилги таҳрирдаги Солик кодексида назарда тутилган имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелигача;

2020 йилнинг 1 январигача қабул килинган солик тўғрисидаги қонун хужжатларида, шу жумладан Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиши муддати тугагунига қадар амал килади (30.12.2019 йилдаги ЎРК-599-сон Қонунинг 4-моддаси).

**Эксперт фикри**  
ЎРК-599-сон Қонунинг матнидан келиб чиққан ҳолда, Президентнинг ПК-1731-сон қарорида назарда тутилган «муффатсиз» солик имтиёзлари ва преференциялари 2020 йил 1 апрелга қадар амал қилади. Шу вақтга келиб қарорга ёки ўзгартиришлар киритилади, ёки ундиндаги имтиёзлар қисми ўз кучини ўйқотган деб топилиши лозим.

## 1 ККС

Конунчиликка мувофиқ экспорт қилувчи корхоналар бериладиган солик имтиёзлари ва преференциялари рўйхатида (ПК-1731-сон қарорга иловга) кўйидаги преференция ҳам кўрсатилган.

«Товарларни чет эл валиютасида экспортга реализация қилиши (қимматбаҳо металлар бундан мустасно) айланмасига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиммат солиги солинади (СК 212-м.)». Қарорда 2007 йилги таҳрирдаги Солик кодекси назарда тутилган, амалдаги Кодекс кабул килингандан кейин ўзгартиришлар киритилмаган.

Амалдаги Солик кодексида шундай норма мавжудки, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт божхона тартиб-тоамилига олиб чиқилган товарлар реализация қилингандан ноль даражали ставка бўйича солик солинади (СК 260-м. 1-қ. 1-б.).

**Эксперт фикри**  
Хорижий ҳамкорга, шу жумладан унга қарасиши ДМга ЎзР ҳудудида фойдаланиши учун товарларни хорижий валиютада етказиб берадиган корхона ноль даражали ставка бўйича ККС солиги кўринишидаги преференциядан 2020 йил 1 апрелга қадар фойдаланиши мумкин. Ушбу муддатдан кейин Президентнинг ПК-1731-сон қарорига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар ҳисобга олиниши лозим.

## 2 ККС: озод этиши ёки ноль даражали ставка

Экспорт қилишда ККСнинг ноль даражали ставкаси кўллашилишини тартибга солувчи СК модалаларида бошқача қонда назарда тутилмаган бўлса, ККСдан озод этиши ҳакидаги норма аввал ҳам (2007 йилги таҳрирдаги СКнинг 208-моддаси) амал килган, ҳозир ҳам (СК 243-модда) амал килмоқда.

СКда халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва хукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан олинидаган товарларни (хизматларни), агар қарз шартномасига уларни солиқдан озод этиши назарда тутилган бўлса, уларни реализация қилиш бўйича айланма ККС солинадан озод этилади (СК 243-м. 1-қ. 23-б.). Бирок ҳозирча шартнома экспорт шартномасига тенглаштирилган, корхона ноль даражали ставкадаги ККСни кўллаши лозим.

## 3 ККС тўлашдан озод этишида солик ҳисобга олинидаги

Куйидаги қонда аввал ҳам (2007 йилги таҳрирдаги СК 218-м. 1-б.) амал килган, ҳозир ҳам (СК 266-м. 1-б.) амал килмоқда: фаолиятни амалга ошириш



чогида товарлардан (хизматлардан) фойдаланингда реализация қилиш бўйича айланмага ККС солиниши, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солик солиниши лозим бўлганда, кирувчи ККСни ҳисобга олини мумкин бўлади.

ККС солинмайдиган тушум қисмидаги ККС ҳисобга олинмайди.

## 4 Фойда солиги

2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши **15%дан юқори бўлган** юридик шахслар солик солинадиган базани товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисмидаги камайтирадилар (29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сон Фармоннинг 1-банди).

2020 йилдан бошлаб товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда-га ноль даражали ставка бўйича солик солинади. Экспорт қилишдан даромадлар жами даромаднинг камидаги 15%ни ташкил этса, ноль даражали ставка кўлланилади (СК 337-м. 1-қ. 6-б., 8-қ.).

## Эксперт фикри

Экспорт шартномасига тенглаштириладиган шартнома бўйича товарлар етказиб берувчи корхона 2020 йил 1 апрелга қадар бундай шартнома бўйича олинган фойдаладан солик тўламасиги мумкин. Бундай экспорт тушуми жами даромаднинг 15%дан ортиқ бўлиши лозим. Ушбу муддатдан кейин Президентнинг ПК-1731-сон қарорига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар ҳисобга олиниши лозим. Бундай етказиб бериладиган экспортга тенглаштирилиши кейинчалик ҳам сақланаб қоладиган бўлса, фойда солигининг ноль даражали ставкаси кўлланилади.

## Эътибор беринг!

Товарларни чет эл валиютасида экспорт қилиши юзасидан даромадлар улар экспортга чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь кун ичидаги келиб тушумаган тақдирда, фойда солиги ва пенилар тўланиши лозим (ПФ-5587-сон Фармоннинг 2-банди; СК 337-м. 10-қ.).

**Ольга БУСАРОВА,**  
«Norma» МЧЖ эксперти.